

Ватанга бўлган  
меҳру муҳаббат ҳар  
қандай муаммони  
ечишга, ҳар қандай  
ёвуз кучни енгишга  
қодир.

Ислом КАРИМОВ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 19-iyun, shanba № 48 (8281) ISSN 2010-6416

## ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 18 июнь куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Биз дунё тамаддунига ўзининг бой тафаккури ва маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг маданий-маънавий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва бойитиш келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

Барча соҳалар қатори маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш, улуғ бобокалонларимиз қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этмоқда.

Ислом Каримов Бухоро вилоятига сафарини Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида буюк бобомиз мангу қўним топган макон мутлақо янгича қиёфага эга бўлди. Боғ-роғлар барпо этилди, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

— Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, улар қолдирган меросни ўрганиш халқимиз маънавий олами-ни бойитишда муҳим ўрин тутаетди, — деди Ислом Каримов. — Ушбу муқаддас қадамжони зиёрат қилган ҳар бир киши руҳан поклангандек бўлади. Бундай муборак жойларга тез-тез келиб туриш, зиёрат қилиш, Яратгандан юртимизга, элимизга, фарзандларимизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаш ҳар биримиз учун фарзидир.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳам айна мақсадга йўналтирилган бўлиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бунинг амалий натижаларини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,1 фоизга ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари Вобкент туманидаги "Музаффар Зайниддин" фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шу кунларда юртимизда ғалла ўрими-йиғими қизғин давом этмоқда. Миришкорларимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, қисқа фурсатларда йиғиб олиш учун барча чоралар кўрилатири.

Юртимизда фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли фермерлар нафақат иқтисодий-иқтисодий таянчига, балки қишлоқда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг фаол иштирокчисига ҳам айланмоқда.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида 5 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Вилоят деҳқонлари бу йил 380 минг тонна ғалла етиштиришни мўлжалламоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида кейинги вақтларда Қирғизистон жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган фожиали воқеалар муҳокама қилинди.

АҚШ Давлат котиби Қирғизистон жанубида ва, биринчи навбатда, Ўзбекистон ҳудудидаги қочқинлар лагерларидаги, Қирғизистон билан чегарадош туманлардаги вазият билан таништирилди.

Қирғизистон жанубидан ўтган қочқинларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш, барча эҳтиёжмандларга тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, шунингдек, қочқинлар лагерлари учун зарур ёрдамни ташкил қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ва, аввало, Қирғизистондаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Қочқинларга бевосита ёрдам кўрсатиш ва фалокат содир этилган туманлар аҳолисига гуманитар ёрдам кўрсатиш, Қирғизистон жанубида ва бутун мамлакат ҳудудида вазиятни тезроқ барқарорлаштириш масалалари АҚШнинг диққат марказида тургани қайд этилди.

## ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК — ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

Ёшларимиз спорт баркамоллик ҳамда соғлом келажакнинг муҳим омили эканини чуқур англаб, яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётимиз.

Фарғона вилоятида йигит-қизлар, айниқса, болаларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, хусусан, бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор берилаётимиз. Фарғона шаҳрида 5-18 ёшгача бўлган қизларнинг 4256 нафари спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Шу боис ушбу нафис спорт турини янада оммалаштириш учун мамлакатимизда кенг шарт-шароитлар яратилмоқда. Фарғонада замонавий талаблар асосида қурилган Бадий гимнастика маркази ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Бу ерда ҳар куни юзлаб қизлар тажрибали мураббийлар кўмагида бадий гимнастика билан шуғулланиши мумкин.



Муқимжон ҚОДИРОВ  
(ЎзА) олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ-  
ТАРБИЯНИНГ  
УЧ УСТУНИ

3-бет

ЁШ ОЛИМЛАР  
КЕНГАШИ

илмий-ижодий тадқиқотлар  
рўёбига кўмаклашди

5-бет

ФАОЛЛИККА  
УНДОВЧИ КУЧ

7-бет

ҚИШЛОҚ  
МУАЛЛИМИ  
ТАШАББУСИ

унда эзгуликнинг кудрати  
намоён

11-бет

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоят фермерлари 110 минг гектардан зиёд майдонда гўзанинг "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-12" навларини парваришламоқда. Бўлғуси ҳосил тақдирида муҳим бўлган айни паллада деҳқонлар гўзани қондириб сугориш, қатор ораларига ишлов бериш сингари агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга оширмоқда.

Президентимиз "Музаффар Зайниддинов" фермер хўжалигида бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан мулоқот чоғида шаҳар ва қишлоқларимизни замонавий меъморлик талаблари асосида қуриш, уларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, инфратузилмаларни ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, фермерларга ўз фаолиятини кенгайтириши, қишлоққа саноатни олиб кириши, янги иш ўринлари ташкил этишига кўмаклашиш мақсадида янада кенг имкониятлар яратиш ҳақида атрофлича суҳбатлашди.

Юртбошимиз қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган изчил ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг самараларини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкинлигини таъкидлар экан, фидокорона меҳнат қилиб, ўз рўзгорини ва эл-юрт дастурхонини тўкин қилаётган фермерлар фаолиятига юксак баҳо берди.

— Биз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга галла мустақиллигига эришишни бош мақсад қилиб қўйган эдик. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширил-

ган кенг кўламли изчил ислохотлар натижасида қисқа даврда вазият бутунлай ўзгарди. Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили деҳқонларимиз мамлакатимиз галлачилиги тарихида энг юқори натижага эришиб, 7 миллион тоннадан зиёд дон етиштирди. Яқин ўтмишда ўз эҳтиёжи учун четдан бугдой олган Ўзбекистон энди галлани экспортга чиқармоқда. Ўтган йили 800 минг тонна галла экспорт қилинди, — деди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари фермерлар билан суҳбатда уларнинг турмуш шароити, келгуси режалари билан қизикди. — Фермер хўжалигимиз 2007 йилда ташкил этилган, — деди "Музаффар Зайниддинов" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Гафоров. — 42,3 гектар еримизнинг 18 гектарига галла эканмиз. Ҳосилдорликни 80 центнерга етказмоқчимиз. Ҳосилнинг 60 фоизи хўжалигимиз ихтиёрида қолади. Фермерларга яратиб берилган кенг имкониятлар ютуқларимизнинг бош омили бўлмоқда.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб бормоқда. Амалга ошириладиган ислохотларимизнинг муваффақияти кўп жиҳатдан юқори малакали кадрларга боғлиқ. Президентимиз ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Ўз олдимизга келажаги буюк давлат барпо этишни олий мақсад қилиб қўйган эканмиз, ёш авлоднинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга

олишимиз даркор. Шу жиҳатдан Президентимиз Бухоро давлат университетининг гидро-мелиорация факультети фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада мамлакатимизда тўпланган бой тажрибадан унумли фойдаланиш, юксак билим ва малакали мутахассислар тайёрлаш орқали вилоятга хос бўлган ерларнинг шўрланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари мавжуд ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириб бориш, тупроқ ва иқлим шароитимизга мос серҳосил, эртапишар экин навларини яратиш муҳим вазифалардан бири эканини қайд этди. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, реал даромадини кўпайтириш, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар негизда қайта ишлашни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур вазифаларнинг bajariliши аҳолининг бандлик даражасини оширишга, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрларини битириб чиқётган ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қилади. Юртбошимиз ёшларни, хусусан, қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг муайян касб-хунар эгаси бўлиб жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитларни яратиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Суҳбат асосида Президентимиз сўнги кунларда Қирғизистоннинг Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида юз берган воқеаларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Бу воқеалар ҳақида гапиришнинг ўзи оғир. Беғуноҳ одамларни, болаларни, ҳомиладор аёлларни ўлдириш — бу ваҳшийликдан бошқа нарса эмас, — деди Ислон Каримов. — Бундай қонли жиноятларнинг тагига етилишига, уларга қонуний баҳо берилишига ишонман.

Мен илгари ҳам айтган эдим — бугунги кунда ўзининг кадр-қиммати, ғурур ва ифтихорини сақлаб, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан ўз келажагини қуриш, ўз юртини ҳимоя қилишга қодир бўлган давлат ва жамиятига дунё аҳли тан олади ва ҳурмат қилади. Ўз кучига ишонган, келажаги буюк халқнинг бағри кенг бўлади. Халқимиз доимо бошқаларга бағрини очиб, ҳамдард бўлиб келган.

Ҳожианинг сабаблари ҳақида гапирганда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, мен қонга — қон, жонга — жон, деган қарашга қаршиман. Нафақат қаршиман, балки шундай фикр билан юрадиганларни халқимизнинг душмани, деб биламан.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш, қадрига етиш керак. Мен халқимизни оғир-вазмин бўлишга, етти ўлчаб, бир кесиш керак, деган нақлга ҳаммаша амал қилишга яна бир бор даъват этман. Чунки жаҳонда ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Қизиққонлик, жоҳиллик оқибатида бу гўзал ҳаётни бир

лаҳзада йўқотиш мумкинлигини сира унутмаслик лозим.

Тинчлик ва осойишталик йўқ жойда барака бўлмайди. Шунинг учун халқимиз ҳар доим, бизга тинчлик керак, дейди. Тўй-ҳашам, маъракамаросимларда тинчлик-осойишталик, омонлик бўлсин, баракамизни берсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб дуо қилади.

Бугунги мураккаб даврда огоҳлик, сезгирлик, ҳушёрлик ҳар қачонгидан кўра муҳим. Чунки узоқ ва яқин мамлакатларда ўзини бизга дўст сифатида кўрсатадиганлар ҳам йўқ эмас.

Қирғизистондаги воқеаларга муносабат масаласида ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Уларнинг фикрича, бу воқеаларнинг туб сабабларини қидириш шарт эмас. Гўё бу ўзбек ва қирғиз этник гуруҳлари ўртасидаги қарама-қаршилик эмиш. Мен бундай фикрларга мутлақо қаршиман, деб таъкидлади Ислон Каримов. Ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бунга айбдор эмас. Бу четдан туриб уюштирилган, бошқарилган кўпуровчилик ҳаракатидир.

Бу кўпуровчиликни уюштирган кучларнинг нияти Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортишдан иборат бўлган.

Биз буюк халқимиз, асрлар давомида ёнма-ён яшаб келган қирғиз халқи билан тил топишга, муаммоларни ўзимиз ечишга қодирмиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**  
**Олим ТўРАҚУЛОВ,**  
**Эркин ЁДГОРОВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**



Туркистон санъат саройида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ўзига хос ажойиб концерт дастури томошабинларга ҳавола этилди.

## ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ — САНЪАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

«Истиқлол юлдузчалари» деб номланган байрам дастури «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилиб, унда танловнинг шаҳар босқичига йўлланма олган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларидан тузилган гуруҳлар ўз истеъдодларини намойиш этди.

Болажонлар миллий халқ куйлари ва қўшиқларимиз билан бир қаторда

турли халқларнинг санъат асарларини моҳирлик билан ижро этдилар.

Тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад ўсиб келаётган ёш авлод иқтидорларини юксалтириш, ёшларни санъат орқали Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон санъатини ривожлантириш ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдан иборат. Тадбир туман халқ таълими бўлимлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси,

«UNICEF» каби бир қатор ташкилотлар ҳомийлигида ташкил этилди.

Санъатнинг нозик қирраларини ўз қалби билан кашф этган боғча ёшидаги болаларнинг байрамона чиқишларию шодон кулгилари сарой саҳнасида жаранглаб турди.

Тадбирда иштирок этган мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, муסיқа тўғараклари мураббийлари ва тарбияланувчилар ҳомий ташкилотлар томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Байрам якунида ҳомий ташкилотлар раҳбарлари сўзга чиқиб, болажонларни байрам билан қутладилар.

**Шохрух УБАЙДУЛЛАЕВ**  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
**олган сурат.**

## ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида Қирғизистон Республикасидан вақтинча кўчиб келганлар яшаб туриши учун махсус жойлар тайёрланди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, фуқаролари томонидан жабрланганларга — 75-80 мингдан ортиқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкида куйидаги ҳисоб рақамлари очилди:

**Ҳорижий валютадаги ҳисоб рақами:** 20204840900278031001 MFO: 00077. SWIFT Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank» Andijan. Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic of Uzbekistan.

**Сўмдаги ҳисоб рақами:** P/C 20204000100278031008 — Андижон вилояти ҳокимлиги махсус ҳисоб рақами. Код: 00077, «Агробанк», Андижон.

Ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳридаги штабга куйидаги телефонлар буйича мурожаат қилиш мумкин: +99871 239-86-84, +99871 239-86-25; Факс: +99871 239-80-37; e-mail: [humanitar@gov.uz](mailto:humanitar@gov.uz)

**Андижон шаҳридаги штабнинг телефонлари:** (8-374) 226-99-78, 226-99-80.

## ОРЗУЛАРИНГ ЯНГЛИҒ, ОҚ БЎЛСИН ЙЎЛИНГ!

— Қаерда бўлсангиз ҳам, қайда юрсангиз ҳам, доимо соғ бўлинг, тилингиз ва дилингиз ҳеч қачон айро тушмасин!

— Қаламингиз ҳақиқат тиғи ва адолат шамчироғи, оппоқ орзуларингиз каби келажак йўлингиз ҳам оқ бўлсин!

Бу каби тилаклар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг битирувчиларига бағишлаб ўтказилган "Оқ йўл сизга, битирувчилар!" номили тадбирида бот-бот тилга олинди.

Тадбирда факультет декани, филология фанлари доктори, профессор Н.Раҳмонов сўзга чи-

қар экан, йиғилганларни ушбу байрам билан табриклаб, 60 йиллик тарихга эга бўлган, мамлакат оммавий ахборот воқеаларига малакали мутахассисларни етиштириб бераётган журналистика факультетининг битирувчиларига оқ йўл тилади.

Таъкидлаш керакки, бу йил факультетнинг бакалавр босқичини 100 нафардан ортиқ магистратура босқичини 30 нафарга яқин, олий журналистика курсини эса 30 нафардан ортиқ талабалар тамомлади.

Тадбир давомида фахрий устозлар, меҳмонлар сўзга чиқиб, битирувчи-

ларга ўзларининг эзгу тилакларини билдирдилар. Ўқиши давомида ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатган, турли танлов ва тадбирларда муваффақиятли иштирок этган битирувчи талабаларга диплом ва эсдалик совғаларининг топширилиши йиғилганлар кайфиятига кўтаринчилик бағишлади.

Тадбир сўнгида талабалар таълим муассасасида олган назарий ва амалий билимларини мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлашга, она Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга қасамёд қилдилар.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
**"Ma'rifat" мухбири**

Таълим-тарбия ўзига хос тарози, унинг бир палласидан, дейлик ижрочи — мактаб, ўқитувчилар жамоаси, иккинчисидан эса, буюртмачи — ота-она ҳамда фарзандлар ўрин олган.

Агар ижрочи ҳамма айбни иккинчи томонга юкласа:

— Ота-оналар фарзанди тарбияси билан шуғулланмай кўйди. Акс ҳолда, тез-тез мактабга келиб, ўғил ёки қизининг таҳсил олиши, мактабдаги шароитлар билан қизиқарди. Боласининг камоли ота-онани ташвишлантирмаса менга нима?

Буюртмачи эса:

— Мен ўғлимни (қизимни) кийинтириб, тўйинтириб мактабга юбордим, унинг қай даражада билим олиши, одоб ўрганиши мактабнинг, ўқитувчининг иши, — қабилада фикр юритса, кўзланган юксак мақсад йўлида узилиш бўлиши шубҳасиз.

«Қарс икки қўлдан чиқади», деб бежиз айтишмаган.

### 1. ЎҚИТУВЧИ ИЖОДКОРЛИГИ

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, айниқса, қишлоқ мактаблари моддий-техник базасини яқин ўтмишда орзу қилиш ҳам мушкул бўлган даражага етказди. Энди мактаб жамоаси олдида улардан унумли фойдаланиш масаласи кўндаланг турибди. Гапнинг сираси, ижодий муҳит таркиб топтирилган мактаб, доимий изланадиган, ўз устида ишлайдиган, бугун билганлари билан қониқиб қолмайдиган, янгиликка интиладиган ўқитувчи бу вазифанинг урдасидан чиқа олади. Бунинг учун мактабда, махсус курсларда ўқитувчилар малакасини ошириб бориш, қайта тайёрлаш, жойларда янги педагогик технологияларни қўллаш юзасидан ўзаро фикр алмашишлар, кўргазмали семинарлар ташкил этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

— Бу галги малака оширишдан кўнглим тўлди, — деди яқинда вилоят педагог кадрлар малакасини ошириш институтида таҳсил олиб келган тажрибали ҳамкасбларимдан бири. — Биз кўп нарсада орқада қолган эканмиз. Айниқса, истиқлолдан сўнг олий ўқув юртини тугатган ёш ҳамкасбларимга қойил қолдим. Улар бизга ўхшаб қолипга кирган дастурнинг қули бўлиб қолишмабди, қайси фандан дарс беришидан қатъи назар ўқувчини мантиқий фикр юритишга ўргатишнинг ҳадисини олишибди. Биз олий таълим босқичида муаллимларнинг йиллар мобайнида сарғайиб кетган, янгиликлар билан бойитилмаган маърузалари қолипда шаклангандик. Шунинг нуқси ўлароқ ўзимиз ҳам ўқувчини зерикарли маърузаларни тинглашдек мажбурийят билан қийнашга одалангандик. Малака оширишдан олган асосий сабогим — бугунги ахборот алмашинуви тараққий этган замонда ўқувчининг фикрлаш қобилиятини юксалтирмасдан туриб ижобий натижаларни кутиш ноўрин эканлигини англаганим бўлди.

Шу ҳамкасбим малака оширишдан бир олам таассуротлар, энг муҳими, янги педагогик технологияларга асосланган қатор услубий қўлланмалар билан куролланиб қайтди.

— Ўқувчининг дунёқараши ўзгарди, — деди у мак-

табимиз жамоаси билан бир ойлик таассуротларини ўртоқлашишда давом этаркан. — Энди эскича нуқтаи назар, бир соатлик дarsга алмисоқдан қолган муносабат билан ўқувчини лол қолдириб бўлмайди. Ўқитувчи

компьютер техникасидан фойдаланишни билмаса, мактабда ижодий муҳит таркиб топтирилмаса, педагог маънавияти юксалтирилмаса, барча уринишларимиз бесамар қоларкан.

Ўринли қайд. Яхши ўқитувчи бир хилликдан қочади, ижодий изланади, ҳар бир дарсига янгича руҳ бағишлашга интилади. Дарс ўтишнинг маъруза услубидан имкон даражада нари туриб, ўқитишнинг техникавий воситаларини кенг қўллайди. Машғулот жараёнида ўқувчининг оддий тингловчи бўлиб қолишига эмас, фаол иштирокчига айланишига эришади. Зеро, педагогика илмида ўқувчи эшитиш орқали илмининг кўпи билан қирқ фоизини, кўриш оқибатида саксон фоизини, кўриб, ўз қўли билан бажариш натижасида эса юз фоизини эгаллаши исботланган.

### 2. ОТА-ОНА, МАҲАЛЛА ҲАМДА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИ

Бу йигитга вақтида сабоқ бергандим, ҳозир билагининг кучи, пешонасининг тери билан оила тебратмоқда.

Уни тез-тез мактабда учратиш қоламан:

— Ўғлимнинг ўқишидан хабар олай деб келгандим, — дейди дуч келганимизда.

— Хўш, натижа қалай?

— Ёмон эмас, ўқитувчиси ёш бўлса-да, талабчангина экан, бир дарсига киргандим, ҳамма ўқувчилари билан алоҳида-алоҳида ишляпти, билимида бўшлиқлар қолдирмаяпти. Лекин мактабнинг таъминоти ҳам биз ўқиган йиллардагидан анча ўзгарди. Компьютер синфи, янги дастурлар, ўқитишнинг техникавий воситалари, ана энди ўқитувчининг ишлайдиган, ўқувчининг аъло ўқишга интиладиган даври келибди. Бирги-

на ижара тизимининг ўқувчиларни дарслик билан таъминлашдаги афзалликларини айтмайсизми...

Бу боласи камолотига бe-фарқ бўлмаган оддий отанинг мулоҳазалари.

...Навбатдаги соатга кириш кўнғироғи чалиниб, ҳамма синфларда дарс жараёни бошланган палла залда кўтарилган шовқин қулоғимга чалиниб хонамдан чиқдим. Қарасам, олий маълумотли, анча-мунча мансаб оромкурсиларида ўтириб келган кишининг оғзидан боди кириб, шоди чиқар, кексароқ ўқитувчилардан бир-иккитаси уни шаштидан туширишга уринарди. Қизиқ, уч-тўрт боласи ўқишни тугатиб кетган бўлса-да, бу кимсани мактаб худудида илк кўришим эди, тагин бу ҳолатда.

қилмағил ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузгил, майли урсунлар, нединким, ёш ўғлон илм ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри била ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз кўлинг билан урмағил, муаллимларнинг таёғи била кўркутгил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин.

Тўғри, бу эскича мактаб, ота-она фарзандини устозга топшириш олдида «Эти сизники, суяги бизники» деган муросани қўйишига нисбат бериб билдирилган сабоқ. Лекин ундан тегишли хулоса чиқариб олиш фойдадан ҳоли эмас.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ УЧ УСТУНИ

— Нима гап ўзи, — сўрадим масала талашаётганлардан.

— Буларингизни қаранг, бошлиқ, мактабга киришимга йўл беришмаяпти, — деди ҳалиги киши.

— Мактаб ҳеч кимнинг шахсий мулки эмас, бемалол кираверинг, лекин бундай шовқин билан эмас. Юринг, хонада бафуржа гаплашиб оламиз, ҳозир дарс кетяпти, ўқувчиларни безовта қилмайлик, — дедим уни қўлтиқлаб.

— Мактабингизни елканнинг чуқури кўрсин, кечагина институтни тугатган маҳмадона ўқитувчингиз набирамни дарсдан чиқариб юбормаганида бу ерга келармидим. Ҳозироқ ўша домлачани топиб берасиз. Гапириш қандай бўлишини ўргатиб кўяй.

Ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосар, ўқитувчи, шикоят қилиб келган кишининг набирасини чақиртириб, масалани ўргандик. Маълум бўлишича, синфдаги ҳамма ўқувчи ижара китоб пулини аллақачон тўлаган, бу кишининг набираси эса турли баҳоналар билан ижара пулини тўламасдан (ўқитувчиси бир неча бор уйига бориб, суҳбат ўтказган, ижара тизими афзалликларини тушунтирган бўлса-да), синф кўрсаткичининг орқага тортиб келаётган экан.

— Шугина пул учун болани тенгдошлари олдида изза қилиш шартмиди, — деди «куюнчак бобо» барибир хатосини тан олмасдан.

Буниси — иккинчи хил муносабат, унга изоҳ беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Фақат Кайковуснинг «Шарқ педагогикаси комуиси» саналмиш «Қобуснома» асаридан олинган куйидаги иқтибосни келтиришни ўринли деб билдим:

«Эй фарзанд...

...фарзандингга хунар ва фазл ўргатмакда тақсир

### Dolzarb mavzu

гари мактабга директор этиб тайинланганимдан сўнг биринчи навбатда ижодкор ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг қизиқишларини ўргандик, истеъдодли ва иқтидорли болалар рўйхатини туздик. Якка тартибда суҳбат ўтказиб, ўттизтача ўқувчи аъзо бўлган «Ёш ижодкорлар» тўғарагини очдик.

Тўғарақдан кўзланган мақсад жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг сара асарларини ўқиш учун тавсия этиш орқали ўқувчиларда бадиий адабиётга муҳаббат уйғотиш, баҳс-мунозараларга тайёрлаш, китобхонлар конференциялари ўтказиш, мактаб радиоузели фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳоказолардан иборат эди. Қисқа фурсат ўтиб, адабиётга муҳаббат тўғарақ аъзоларидан баъзиларини шеър, ҳикоя ёзишга қизиқтирган бўлса, бошқаси вилоят, туман матбуотида кичик-кичик хабарлари билан кўриниш берадиган бўлди. Натижада, унга аъзо бўлишни истовчилар сафи кенгайди. Ниҳоят, оддий тўғарақ ўзагида «Умид» интеллектуал ёшлар клуби шаклланди. Клуб аъзоларидан уч нафари турли мавзулардаги сиртқи иншоолар танловининг вилоят, республика босқичи голибига айланди. Энг фаол ўқувчилардан таркиб топган гуруҳ «Китобхон синф» вилоят танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Энг муҳими, ўқувчиларнинг ўқишга, мактабдан ташқари тадбирларга қизиқувчанлиги ортди. Бу албатта, ўқувчиларнинг олаётган баҳолари ва ўзлаштириш самарадорлиги кўтарилишига туртки берди. Демак, ўқувчининг қизиқувчанлиги ортиши ҳам биринчи галда ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ экан.

Бундан ташқари, мактабда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа бир қатор омиллар ҳам борки, булар мактабнинг электр энергияси билан таъминлашдаги узилишлардан ҳоли этилганлиги (акс ҳолда, давлат дастури асосида етказиб берилган компьютер, ўқитишнинг техникавий воситалари қуруқ савлатдан бошқа нарсага ярамайди), кутубхона фондининг орттириб борилиши ҳамда мактабнинг қўшимча жиҳозлашишига ҳомийлар кўмагининг жалб этилганлиги, мактаб ишида маҳалла-кўйнинг иштироки фаоллаштирилганлиги ва ҳоказолар. Уларни ҳал этиш учун оддийгина куюнчаклик талаб этилади, холос.

...Мана таълим-тарбиянинг айрим масалалари хусусида қисқача мулоҳазаларимни баён этдим. Эҳтимол, фикрларимнинг мунозараболлари кўндир. Ҳар қандай масала баҳс-мунозараларда ечимини топади. Шундай экан, Сиз ҳам ўз фикрларингиз билан иштирок этасиз, деган умиддаман, АЗИЗ ҲАМКАСБ!

Абдунаби АБДИЕВ,  
Миришкор туманидаги  
22-мактаб директори

Эсимда, болалик даври-мизда арзимаган баҳона сабаб ноўрин хархаша кўтарганимизда, ота-онамиз:

— Агар шундай қилаверсанг ўқитувчинга айтаман.

— Фалончи, бор ўқитувчисини чақириб кел, шундай тарбия берган эканми, — деб кўрқитишарди.

Ва қулоқсиз болакай бир зумда кўз ёшини артиб, мўмин-қобилгина бўлиб қоларди.

### 3. ЎҚУВЧИ ҚИЗИҚУВЧАНЛИГИ

Бир ҳамкасбим бор, қарийб ўттиз йилдирки, мактабда математика фани ўқитувчиси бўлиб ишласада, адабиёт жону-дили, уйда бинойигина кутубхона шакланганди. Ҳозир ҳам касбига оид китоб-дафтарлар билан бирга янги асарларни кўтариб юришни канда қилмайди. Эрталаб мактабга келганда қўлидаги бадиий асарлар уч-тўрттага етса, иш куни яқунланиш арафасида биронтаси қолмаганини кўрасиз. Кейин билсам у дарс жараёнини бадиият билан боғлаб ташкил этар экан. Ўқувчиларига:

— Математикани билиш учун адабиётни севиш керак, — деб таҳсил берар, уларга сара асарларни тавсия этар, адабиёт орқали шогирдларида ўз фанига қизиқиш уйғотар экан.

Ҳозир шу муаллимни анча йиллар илгари дарс берган ўқувчилари ҳам ўз давраларига таклиф этишни канда қилмасликларидан, айни пайтида ўқитувчилик қилаётганлари эса дарсдан сўнг уйига бориб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишидан хабарим бор. Ўз шогирдлари билан иш-лашда самарали услубларни кашф этгани унинг ушбу муваффақиятларига сабаб бўлди.

Шу масалада тагин бир мисол. Бундан ўн йилча ил-

✓ **ЁШЛАРНИ ОНА-ВАТАНГА МЕХР ВА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА САНЪАТНИНГ ЎРНИ БЕКИЁС. ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ЎЗБЕКИСТОН, СЕНИ КУЙЛАЙМАН!» САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ХАМ АЙНАН ШУ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ БИЛАН ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.**

Зомин туманида ҳам ушбу фестивалнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда тумандаги мавжуд 75та мактаб, 18та мактабгача таълим муассасаси 2та ўқувчилар ижодиёт марказида меҳнат қилаётган устоз-мураббийлар, ўқувчилар фаол иштирок этди. Тадбир асосан икки йўналиш — кўшиқ ва рақс санъати билан иштирокчиларнинг маҳорат ва иқтидорларини кўриқдан ўтказди. Ўзининг истиқлол ва Ватан ҳақидаги кўшиқлари билан барчанинг хурмат ва олқишига сазовор бўлган тумандаги 1-болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази ўқитувчиси Абдуназар Дувланов олий ўринга муносиб деб топилди. 16-МТМ тарбиячиси Жумагул Жангирова, 3-мактаб ўқитувчиси Сайёра Тўраева, 1-мактаб ўқитувчиси Барно Ўринбоева кўшиқ йўналиши бўйича фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Фестиваль голибларига таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшмасининг дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**А.СОДИҚОВ,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

✓ **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ ХАМДА ВИЛОЯТ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ХАМКОРЛИҚДА ЎТКАЗИБ КЕЛАЁТГАН «АСЛ ЛИБОСЛАР» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ СЎНГИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ.**

Андижон энгил саноат коллежида ўтказилган кўрик-танловда ҳудудлар бўйича 10та касб-хунар коллежи жамоаси иштирок этди. Миллатнинг ифтихори ҳисобланган шойи, атлас, адрас, товар, беқасам каби бетакрор матолардан замонавий услуб билан уйғунлаштириб янги-янги «ихтиро»лар яратган уста-чеварлар ва ўқувчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Андижон политехника касб-хунар коллежи жамоаси «Раҳбар аёлнинг мавсумий либослари», Андижон энгил саноат касб-хунар коллежи жамоаси «Миллий матолардан замонавий кийимлар», Шаҳрихон энгил саноат касб-хунар коллежи жамоаси «Болалар кийимлари» ҳамда Андижон миллий хунармандчилик коллежи жамоаси «Талаба-ёшлар кийимлари» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Уларга «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят бўлимининг совринлари топширилди.

**О.СИДДИҚОВ**

✓ **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАЪТИЛДА МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ТУРЛИ-ТУМАН ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 322-МАКТАБДА ХАМ «НИЛУФАР» ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.**

Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган мазкур майдонча кун бўйи болалар билан гавжум. Улар шахмат-шашка, стол тенниси, бисер тикиш, тўқувчилик, мусиқа каби тўғарақларга жалб этилган. Тўғарақ раҳбари Муқаддас Рўзиёева 50 нафардан зиёд ўқувчининг қизиқишларини ўрганиб чиқди. Гулчеҳра Турғунова, Дилбар Мадраимова, Салима Нурматова каби бошланғич синф ўқитувчилари тўғарақ аъзоларининг ёзги таътилларини мароқли ва эсда қоларли ўтказишлари учун яратилган барча шарт-шароитлардан унумли фойдаланмоқда.

Ўқувчилар куннинг биринчи ярмида соя-салқинда шахмат-шашка ўйнаб, ақллари чарчлайди. Қизлар эса тўқувчилик билан машғул. Мактаб кутубхоначиси Малика Сайдалиева ўқувчиларга энг сара, қизиқарли эртақ китобларни ўқиб, яхшилик ва ёмонлик, саҳийлик ва хасислик, ростгўйлик ва ёлгончилик орасидаги фарқни эртақ қаҳрамонлари мисолида тушунтириб беришга ҳаракат қилмоқда. Мусиқа тўғараги раҳбари Меҳриддин Мелиев эса болажонлар қалбини санъатга ошно этиш учун бел боғлаган.

— Ойижоним ишдан қайтганича, бу ерга келиб, эртақ китоблар ўқийман. Дугоналарим билан кўғирчоғимга кўйлақчалар тикишни ўрганипман, — дейди 3-синф ўқувчиси Хосият Миртожиева, — тўғарақда ҳеч ҳам зерикмайман.

Бу ердаги болалар ёзги таътил мароқли ўтаётганидан мамнун.

**МУХБИРИМИЗ**

✓ **НАМАНГАН ВИЛОЯТ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА «АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИДА ЎЛКАШУНОСЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ» МАВЗУСИДА АНЪАНАВИЙ «УСЛУБИЁТЧИЛАР МАКТАБИ»НИНГ СЕМИНАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар АРМ раҳбарлари ва библиографлари иштирок этган мазкур тадбир илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб қилиш, АРМ ишида янги технологиялардан кенг фойдаланиш, кутубхоначилик соҳасидаги муаммоларни биргаликда бартараф этиш масалаларини ўз олдига мақсад қилган.

Семинарда ёшларни китобга қизиқтириш, ўлкашунослик фанлари асосида музейлар очиб ташкиллаштириш, аҳолига АРМ хизматини ташкил қилишнинг янги усуллари ҳамда АРМда библиография ишини ташкил этиш мавзулари бўйича маърузалар тингланди.

Бундан ташқари, тадбирда давра суҳбатлари, семинар-тренинглари ўтказилиб, Чуст ва Косонсой туман АРМ иш фаолияти билан таништирилди.

**МУХБИРИМИЗ**



✓ **ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КРЕДИТИ УЮШМАСИ (АПРАКА) ИЖРОИЯ КЎМИТАСИНИНГ 17-БОШ АССАМБЛЕЯСИ ВА 58-КЕНГАШИ ДОИРАСИДА БОШЛАНДИ МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ АГРАР СЕКТОРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.**

1997 йилда Осие-Тинч океани қишлоқ хўжалиги кредити уюшмасига аъзо бўлган Ўзбекистон «Агробанки» мазкур тузилма фаолиятида самарали иштирок этиб келмоқда.

АПРАКА Бош ассамблеяси йиғилишида 2010-2011 йилларда мазкур халқаро молиявий ташкилотнинг раислиги Ўзбекистон «Агробанки»га ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

✓ **ҚАЙСИ СОҲАДА БЎЛМАСИН, ҲАР БИР ТАДҚИКОТ ЯНГИ КАШФИЁТГА АСОС БЎЛСА, ИНСОН АҚЛИ НИМАЛАРГА ҚОДИР ЭКАНИНИ КЎРСАТАДИ. XIX АСР БОШИДА ЯШАГАН ФРАНЦУЗ ТИЛШУНОСИ Ж.ШАМПОЛЬОННИНГ КАШФИЁТИ БУНГА ДАЛИЛ БЎЛА ОЛАДИ. 16 ЁШИДА АКАДЕМИК ДАРАЖАСИГА ЕТГАН БУ ЙИГИТ МИСРДА ЕР ОСТИДАН ТОПИЛГАН, «РОЗЕТТА ТОШИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ТОШГА БИТИЛГАН, ҲАЛИ ҲЕЧ КИМ ЎҚИЙ ОЛМАГАН ЁЗУВ СИРИНИ ОЧИШГА БЕЛ БОҒЛАЙДИ...**

Ҳа, йўқ бўлиб кетган халқнинг номаълум тилида битилган намуналарни ўқиган Ж.Шампольоннинг ўз-ўзидан ҳайратланганидек, тил ва адабиёт илми ҳам ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Яқинда нашрдан чиққан «Тил ва адабиёт таълими» журнаlining 4-сонини варақлар экансиз, ана шу руҳни ҳис этасиз. Жумладан, «9-синфда Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонини ўрганиш, «Араб луғавий ўзлашмаларининг сўз яшаш усули ҳақида», «Ўзбек тилининг айрим хусусиятлари ҳақида» сингари материалларда тилшуносликнинг нозик хусусиятлари хусусида сўз юритилади.



Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» номини олиши жумладан, педагогик нашрлар олдига ҳам бир қатор масалаларни кўндаланг қўйди. Филология фанлари номзоди Бахтиёр Дониёровнинг «Таълим жараёнида билим, кўникма ва малаканинги ўрни», педагогика фанлари доктори Раёно Толипованин «Тил таълимида ўқувчиларга табақалаштириб ёндашиш ҳақида» материаллари шу маънода «Баркамол авлод — миллат келажаги» рукидан ўрин олган. Журналда ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида «Методика» рукида муттасил чиқишлар уюштирилмоқда. Нашрнинг бу сонидан «Талабаларнинг ихтисослик нутқини шакллантиришда интерфаол методларни қўллаш» мақоласи шу жиҳатдан долзарб саналади. Шунингдек, «Тилшунослик», «Адабий талқин», «Луғатшунослик», «Мактаб саҳнаси учун», «Тил тарихи», «Нуқтаи назар» «Сўз мулкига саёҳат» каби руқларда ҳам бир қатор материаллар эълон қилинганки, улардан ўқитувчилар ижодий фойдаланмоқлари мумкин.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

✓ **АЙНИ ПАЙТДА, БУХОРО ШАҲРИДАГИ 17-МАКТАБДА ХАМ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯЛАРИ ЎЗ НИХОЯСИГА ЕТДИ.**

Мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Н.Атоева бу жараён хусусида қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўқув йили якунида бўлиб ўтадиган имтиҳонлар ўқувчилар эгаллаган билимлар кўзгуси саналади. Билим даргоҳимизда бунга пухта ҳозирлик кўрилди. Синовларни юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида мактабимизда ишчи гуруҳи тузилиб, чоратадбирлар белгилаб олинди. Ўқитувчилар ҳамда ота-оналар ўртасида «Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим олувчиларни синфдан-синфга кўчириш муваққат тартиби» ўрганиб чиқилди.

Бу йил мактабимизнинг 151 нафар 9-синф битирувчисига етуқлик шаҳодатномаси топширилади.

Жорий ўқув йилида Республика Таълим маркази томонидан умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари учун тавсия этилган имтиҳон материаллари аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Уларда берилган топшириқлар ўқувчиларнинг турли фанлардан эгаллаган билимларини тўлиқ аниқлашга ёрдам беради. Масалан, 8-синф Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан ўтган ўқув йилида имтиҳон топшириқлари фақат очик тест саволларидан иборат эди. ДТС асосида ишлаб чиқилган имтиҳон топшириқларида ҳуқуқий билим асослари тўлиқ қамраб олинган. Битирувчиларимизнинг турли фанлардан синовларда эришган жавобларидан ўқитувчилар ҳам мамнун бўлиб, машаққатли меҳнатлари самарасини билимлар кўзгусида кўришмоқда. Айниқса, 9-«Г» синф ўқувчиларининг кимё фанидан бажарган тестлари, ечган масалалари ҳамда амалий лаборатория ишлари бутун ўқув йили давомида уларнинг мустаҳкам билим эгаллаганликларини намойён этди.

**Сора ТОШЕВА,**  
**«Ma'rifat» мухбири**

✓ **АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН «БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР» КЎРИК-ФЕСТИВАЛИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОСҚИЧИ ЎЗ НИХОЯСИГА ЕТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИНИНГ «ЗИЁКОР» ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛИ ОЛИЙ ЎРИНИ ЭГАЛЛАБ, РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. ЖАМОА ДАСТУРИ БАРЧА ҲАҚАМЛАР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ.**

— Ўтган йилги кўрик-танловни кўздан кечириб амин бўлгандимки, барча жамоалар Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона фольклор жамоаларининг дастурларини айнан қайтариб ижро қилганлар. Яъни, улар халқ ўйинлари сифатида «Оқ теракми, кўк теракми», «Ким олади-ё, шугинани-ё?», «Арқон тортиш» каби кўплаб халқ ўйинларини такрорлаган. Ялла, айтишув ва ўланларда ҳам шу ҳолат қайталанган. Бу йилги кўрик-фестивалга тайёрланиш вақтида бизнинг жамоа ўзгача дастурни тайёрлашни мақсад қилиб қўйди. Бу йилда вилоятнинг Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент, Янгийўл каби туманларида бўлди. Қадимий Кавардон қишлоғига бориб, фольклор санъатимизни чуқурроқ ўрганишга аҳд қилдик. Натижа эса қутилганидек бўлди. «Полвон тупроқ» халқ ўйини, «Манзилингиз қайда, жоним?» лапарни, «Қилпиллама», «Ялла, жоним, ялла», «Сумалагим қайнади-ё», «Ўлан» каби кўплаб дурдоналаримизга қайта жон бағишланди, — дейди ансамбль дастурининг сценарий муаллифи ва бош режиссёри А.Шокиров.

**Бобурхон ПАТТАЕВ**

# ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

## ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР РЎЁБИГА КЎМАКЛАШАДИ

Салоҳиятли ёшлар мамлакатига айланиб бораётган Ўзбекистон илм-фан соҳасида ҳам тараққий топиб, жаҳонга юз тутмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, илм-фан тараққиёти мамлакат ривожланишида беқиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир» деб номланган маърузасида шундай таъкидлаган эди: «Биз мамлакатимизнинг келажagini кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида **Фанлар академияси** ва **олий ўқув юртлири таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатишига эришишимиз керак**».

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ҳам кўзда тутилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши турли соҳаларда юрти-

олимлар кенгаши ташкил қилинди. Кенгашнинг «Баркамол авлод йили» учун мўлжалланган махсус дастури ва иш режаси ишлаб чиқилди.

— Ушбу дастур ва режадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз фани ва технологиялари тараққиётининг асосий локомотиви бўлган Фанлар академияси тизимида ёшларга кенг имкониятлар яратиш ва фаннинг турли тармоқларида олиб

лиятларига оид маълумотларнинг электрон картотекасини ташкил этиш борасида дастлабки амалий ишлар бошлаб юборилди.

Кенгаш томонидан мамлакатимиз илм-фанининг етакчи тармоғи ҳисобланган академияда «Устоз — шогирд» тизими ривожлантириш, илмий мактаб яратган, шогирдлари ўз вақтида юқори савияда докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаб, Ватанимиз ҳамда жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган устозларни «Истеъдод» фонди билан биргаликда «Устоз» унвони ва дипломи билан мукофотлаш ҳамда «Илм-фан фидойиси» кўрак нишони билан тақдирлаш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

— Энди аспирантларнинг ўз вақтида юқори савияли диссертация ишларини ҳимоя қилишига жиддий эътибор қаратилади, — дейди Кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари номзоди, доцент Гулсанам Тиллаева. — Ихтирочи ёшлар сафи кенгайиб бораётгани эса чиндан-да кишини қувонтиради. Кенгаш ёш ихтирочи-олимларга ҳар томонлама кўмак беради.

ярмаркаси фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишнинг муҳим омилига айланмоқда. Жорий йилнинг 1-3 март кунлари ўтказилган навбатдаги, учинчи анъанавий Республика инновацион гоёлар ярмаркасида асосан ёш олимлар фаол иштирок этишди. «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Физика-техника ҳамда материалшунослик институтлари ёш олимларининг ишлари қатнашчиларга манзур бўлгани қувонарли, албатта.

Кенгаш томонидан «Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясида ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти, бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Олима» уюшмаси вакиллари иштирок этишди. Илмий мақола

даги давра суҳбати айнан шу масалаларга бағишланди.

Шунингдек, Кенгаш Фанлар академияси тизимидаги ёш олимлар илмий изланишларини, инновация лойиҳаларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга татбиқ (айниқса, қишлоқ жойларида) этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ёш олимлар кенгаши 2010 йили ёш тадқиқотчи олимлар илмий тадқиқот ишларини кенг миқёсда тарғиб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширишни режалаштирган. Жорий йили илк бора Фанлар академияси ёш олимларининг махсус съезди, Халқаро фан куни ва «Баркамол авлод йили»га бағишлаб ёш олимлар конференцияларини ўтказиш, ҳар йилги инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ёш олимларнинг намойиш этиладиган илмий изланишлари натижаларидан амалиётда самарали фойдаланиш ва ҳўжалик шартномаларини тузиш ҳамда йил якунида «Фанлар академиясининг энг яхши ёш олими» танловини ўтказиш ва танлов ғолибларини тақдирлаш шулар жумласидандир. Яқин кунларда ёш олимларнинг мах-


### 2010-yil — Barkamol avlod yili



Фанлар академияси Олий таълим муассасалари билан биргаликда устувор илмий йўналишлар (биотехнология, нанотехнология, тарих) бўйича «кичик академия»лар ташкил этиш, фундаментал, амалий, давлат дастурлари доирасида бажарилаётган инновацион гоёлар ҳамда Академиянинг фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди ва бошқа лойиҳаларда ёшлар иштирокини кенгайтиришни таъминлашга кўмаклашиш, мамлакатимизда янги илмий лабораториялар очишда, «Илм-фан ва технологияларни ривожлантириш» махсус жамғармаси грантларида ёш олимлар иштирокини таъминлаш, уларни жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги хорижий илмий марказларга юбориш Кенгаш ва Фанлар академияси раҳбариятининг жорий йилдаги ҳамкорлик режаларидан ўрин олган асосий вазифалардандир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат интеллектуал салоҳияти ҳар қандай инқирозни бартараф этиш ва юмшатиш учун замин бўлади. Ҳар бир интеллектуал маҳсулот ўз қиймати ва нархига эга бўлиши ахборотлашган жамият ва бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар



муаллифлари орасидан энг ёш тадқиқотчи, энг ёш илмий раҳбар (маслаҳатчи), энг диққатга сазовор маъруза, энг яхши инновацион гоё, ёшларнинг долзарб муаммоларига бағишланган энг яхши мақола номинацияларида ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Мамлакат ва миллат ривожланиши илм-фан, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Жаҳон цивилизациясига дахлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламасдан, мамлакат миллий манфаатларига хизмат қилувчи фан соҳаларини ривожлантирмасдан, фундаментал, назарий тадқиқотлар олиб бормасдан, иқтидорли ёшлардан муносиб шогирдлар тайёрламасдан жамият тараққиётига эришиш мумкин эмас. Кенгаш томонидан апрель ойида ўтказилган «Илм-фан тараққиёти ёш олимлар нигоҳида» мавзуси-

сус газетаси ва илмий журнални чиқариш ва унда тадқиқотчилар изланишлари натижалари ҳамда мамлакатимиз ва жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшаётган ёш мутахассислар борасидаги маълумотларни доимий тарзда бериб боришни мақсад қилган.

Буларни илм-фан соҳасида ёш олимлар томонидан амалга ошириладиган катта ишларнинг дебочаси дейиш мумкин. Мухтасар қилганда, Фанлар академияси Ёш олимлар кенгаши томонидан «Баркамол авлод йили»да мамлакатимиз ёшларининг Республикамиз илм-фани тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссасларини қўшиши ҳамда олиб борилиши режалаштирилган ишлар фан ва амалиёт уйғунлашуви-га муҳим асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бехзод ФАЗЛИДДИН

мизда фаолият юритаётган ёш мутахассислар каби Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимларни ҳам беҳад қувонтиргани шубҳасиз. Бугунги кунда Фанлар академиясида ёшларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, фаннинг эртасини бошқарувчи ёш иқтидорли кадрларни тайёрлаш ҳамда фан ва амалиёт интеграциялашувига эришиш академия раҳбариятининг асосий мақсадларидандир.

Ана шу эзгу мақсад ва албатта, давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, мамлакатимиз тарихида илк бора Фанлар академиясида тизимнинг 40 дан ортиқ илмий тадқиқот институтлари ва илмий муассасаларида фаолият олиб бораётган ёш тадқиқотчи, аспирант ва докторантларни ўзида бирлаштирган Ёш

бораётган илмий изланишлари самарадорлигини оширишга қаратилган, — дейди Ёш олимлар кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор Сайдилло Фуломов. — Унда Кенгашнинг бошқарув ва ташкилий, маънавий ва маърифий, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, хорижий алоқалар, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш каби бир қатор йўналишларда муҳим масалаларни ҳал қилиш режалаштирилган.

Ушбу Кенгаш қисқа вақт давомида Фанлар академияси тизимида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар иштирокида унинг Марказий Кенгаши, Низоми, йиллик иш режаси ишлаб чиқилди. Кенгашнинг ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги махсус веб-сайти яратилди ҳамда ёш олимларнинг илмий ва ташкилий фао-

— Гурӯҳда кимни яхши кўришимни ҳеч ким билмайди? — дея, тарбиячи кўлидаги коптокни рўпара-сидаги болага узатди.

— Уйда иккинчи фарзанд эканлигимни ҳеч ким билмайди!

— Кўнғироқ сочли кўғир-чоғим борлигини ҳеч ким билмайди!

— Копток ўйнаш менга ёқинини ҳеч ким билмайди...

Ҳар бир бола кўнғида кечаётган фикрни шу тариқа айтиб, коптокни дуч келган ўртоғига ошира бошлайди. Ўйин шу тариқа давом этади.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Юлдузча" номли 186-МТМда қўлланилаётган бу ҳаракатли ўйин "Буни ҳеч ким билмайди" деб номланади. Бошқа ўйин турларидан фарқли ўлароқ, бунда бола тезкор фикрлашга ўрганиб, ўз хиссий билиш кўникмаларини ривожлантиради.

Кичкинтойлар учун ўйиндан-да сеvimлироқ машғулот бўлмаса керак. Кунни қизиқарли ўйинлар билан ўтказиш қайси болага хуш ёқмайди, дейсиз? Ўйиндан ўйиннинг фарқи бор. Айримларидан фақатгина вақт ўтказиш учун

## Maktabgacha ta'lim muassasalarida



# КЕЛИНГ, БИРГА ЎЙНАЙМИЗ!

фойдаланилса, баъзилари аниқ мақсадга йўналтирилади. Мактабгача таълим муассасаларида бу жараён алоҳида ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилади. Айтиқса, ҳаракатли ўйинларни болажонлар мароқ билан ўйнашади.

МТМда 20 та гурӯҳга жамланган 210 нафар бола тарбияланмоқда. «Учинчи минг-илликнинг боласи» давлат таянч дастури асосида фаолият олиб борувчи жамоа даврасида бир-бирдан қизиқ ҳаракатли ўйинларнинг гувоҳи бўлдик.

Ҳаракатли ўйинлар тарбияланувчиларнинг жисмоний, маънавий, руҳий ривожланиши учун хизмат қилади, уларни чидамлилика, ҳозиржавоб бўлишга, фикрлаш ва мушоҳада юритишга, ўз-ўзига ишонтиришга ўргатади. МТМда ўрганган ҳаракатли ўйинлар туфайли мактабга чиққан бола жисмоний тарбия ёки қирқ беш дақиқалик бошқа дарс жараёнида сабр билан ўтиришга кўникма ҳосил қилади. Бу ўйинлар орасида қўл, оёқ, тақлид билан ўйналадиганлари бор.

Одатда машғулотларда айрим болалар тез зерикади ёки чарчашади. Шундай пайтда уларни ҳаракатли ўйинлар билан чалғитиш қўл келади. Болалар эркин ўйинлар билан машғул бўлган кезлари уларнинг ҳаракатларини кузатсангиз, ўйин ичида ўзларидан янги элементлар кўшиб юборади. Бу бола тасаввурининг бойлиги, янгиликка интилишининг белгиси ҳисобланади.

**Дилдора Мўминова, МТМ услубчиси:**

— Эрталабдан тонги бадантарбия машғулоти билан бошланган кун ҳаракатли ўйинлар билан мазмунли ўтади. Машғулотлар орасида, кечки соатларда, асосан, сайр-

га чиққанда болалар ҳаракатли ўйин билан машғул бўлади. Муассасамизда ясли, кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳаракатли ўйинлар ташкил этилади.

Бугунги кунда, айтиқса, миллий ўйинларга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Чунки миллий руҳда камолга етишда ушбу ўйинларнинг аҳамияти катта. Биргина тайёрлов гуруҳидаги болалар учун "Бештош", "Чиллак", "Кулоқчўзма" (жисмоний ривожлантириш), "Нима ўзгарди?", "Математик эстафета", "Зийрак бўлинг" (нутқ ва тафаккур ўстириш), "Бойланди", "Боғча-боғча", "Бозорда", "Кичик аравакаш", "Йил фасллари", "Ёввойи ва уй ҳайвонлари", "Ишлаш учун нима зарур?", "Домино", "Лой ўйини", "Ип-ип ўйини" (маънан ривожлантириш), "Туғилган кунни нишонлаш", "Буни ҳеч ким билмайди" (хиссий ривожлантириш) каби ўйинлар бор.

Мазкур ўйинлар орқали болалар сакраш, югуриш, мувозанатни тутта билиш, ирғитиш, улоқтириш каби жисмоний ҳаракатларни тартиб билан бажаришга ўргатилади. Ёки "Ип-ип" ўйинини олайлик, бу қўл моторикасини ривожлантиришга хизмат қилиб, иплардан турли шакллар, кўғирчоқлар, улар учун сочлар ясалади.

Миттивойлар мамлакатиде болакайлар тарбиячи опалари бошчилигида турфа ўйинлар билан банд.

— Аксарияти 4 ёшли болаларни ташкил этувчи гурӯҳда ишлаш қизиқарли бўлиши баробарида, тарбиячидан сабр ва матонат талаб қилади, — дейди биз билан суҳбатда МТМ психологи Шаҳноза Фуломова.

— Ҳар бир боланинг яхши кўрган ўйини бор: бирига

ёққанини иккинчиси хохламаслиги мумкин. Уларга кулоқ тутиб, истагини амалга оширишга ҳаракат қиламан. Баъзи болалар жудаям ҳаракатчан, айримлари эса бўшроқ. Бу ўринда аста-секинлик билан бўш болаларни фаоллар сафига жалб қилиб бориш керак. Дейлик, гурӯҳ "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинини ўйнапти. Ўртоқларига қўшилмай ёки ўйнашни истамай, бир четда турган болани мажбурлаб дарага қўшиш боланинг баттар қайсарлик қилишига сабаб бўлади. Бундай пайтда "Ҳозир сен айтган ўйинга ўтамиз" деб вазиятни юмшатиш лозим.

— МТМга энди келган болалар билан ҳаракатли ўйинларни бошлаб юбориш осон кечмайди. Уларга қандай ўйинлар тавсия этилади?

— Бу гурӯҳда 1,5-2 ёшли болалар тарбияланади. Уларнинг ёшига мос содда — "Ўйинчоқни олиб кел", "Менга етиб ол", "Кучукчани қувиб ет", "Ўйинчоқларни яширамиз", "Қуёнчалар сакрайди", "Сичқонлар югуради" каби ҳаракатли ўйинлар бор. Мазкур ўйинлар болаларнинг ҳаракатчанлиги, топқирлигини шакллантиради. Бу гурӯҳларда болалар билан биргаликда бевосита тарбиячилар ҳам сакрайди, югуради, ҳаракат қилади. Тарбиячи ҳар бир бола билан индивидуал ишлагандагина тарбия жараёнининг самардорлиги ошади.

Болаларнинг ҳар жиҳатдан саломатлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳаракатли ўйинлар эса уларда ҳозиржавоблик, чидамлилиқ, қатъиятлилиқ, масъулиятлилиқ, аҳиллик ва ёрдам кўрсатиш каби хислатларни шакллантиради.

**Башорат ОТАЖОНОВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

# EHTIROM — OLY QADRIYAT

Yozning issiq kunlarida oromgohda dam olishning gashti o'zgacha. Ayni damda dam oluvchilarga huquqiy madaniyatning asosiy mazmun-mohiyatini tushuntirish, ilm-ma'rifatga havasini kuchaytirish, kutubxonalarga va turli tadbirlarga jalb etish tarbiyachilar zimmasidagi bosh vazifa hisoblanadi.

Uchko'prik tumanidagi 1-ixtisoslashtirilgan maktab-internat o'qituvchisi Dilafro'z Alimovning «Huquqiy madaniyat — oliy qadriyat» mavzidagi ishlanmasidan oromgoh tarbiyachilari, to'garak rahbarlari ish jarayonida foydalanishi mumkin.

Ushbu mashg'ulotda dam oluvchilar yoki to'garak a'zolari ikki: «Ma'naviyat» va «Ma'rifat»

guruhiga bo'linadi. **Sinab ko'ring**

Tarbiyachi 1-bosqichda olib boradi.

1. Tanishuv.  
2. Huquqiy madaniyat haqida ma'lumot.

3. «Zukkolar» bahsi.  
Mashg'ulot 1-bosqich, ya'ni guruhlarining tanishtiruv bilan boshlanadi. Birinchi guruh nima uchun o'ziga «Ma'naviyat» nomini olganini izohlaydi:

Ma'naviyat — insonni ruhiy poklanish va yuksalishga da'vat etadigan, inson ichki olamini boyitadigan, uning iymon-irodasini, e'tiqodini mustahkamlaydigan, vijdonini uyg'otadigan qudratli botiniy kuchdir. Ma'naviyat — insonning ruhiy va aqliy olamining yig'indisidir.

Ma'naviyat boyib borsa, jamiyat ravnaq topa boradi va aksincha, ma'naviyat qashshoqlashsa, jamiyat bora-bora tanazzulga yuz tutadi.

So'ng ikkinchi guruh o'zini tanishtiradi:

Ma'rifat — bilish, bilim, ma'lumot, tanish, tanishish ma'nolarini bildiradi. U atama sifatida tabiat, jamiyat va inson mohiyati haqidagi turli-tuman bilimlar, ma'lumotlar majmuasini anglatadi.

Ma'rifat — kishilarning ong-bilimini, madaniyatini oshirishga qaratilgan ta'lim-tarbiya, maorif hamdir. Ma'rifat tushunchasi kengroq bo'lib, bilim va ma'naviyatni yoyish va yuksaltirishning hamma turlari va sohalarini o'zida mujassam etgan.

Guruhlar tanishuvidan so'ng huquqiy madaniyat haqida ma'lumot beriladi.

**Tarbiyachi:** — Huquqiy-demokratik davlat o'z nomi bilan erkin jamiyat. Bu jamiyatda hamma o'z huquq va burchlarini anglagan holda erkin yashaydi. Hayotning barcha sohalarini qonun asosida erkin rivojlanadi. Huquqiy madaniyat jamiyat hayotida ongli fuqaro sifatida faol ishtirok etish, Konstitutsiya va qonunlarda belgilab qo'yilgan majburiyatlarni vaqtida ado etishdir. Huquqiy madaniyat qonunlarni faqat majburiyat yoki qo'rquv asosida emas,

balki birinchi galda ongli va ixtiyoriy ravishda tushunib, anglab bajarishga o'rgatadi.

Huquqiy madaniyat faqat bilim, izlanish, yuksak ong va tafakkur asosida shakllanadi.

3-bosqich — «Zukkolar» bahsi.

1. «Ma'naviyat» guruhi a'zolari «huquq» so'ziga ta'rif berishadi.

Huquq — davlat tomonidan o'rnatilgan va u tomonidan himoya qilinadigan barcha uchun majburiy qoidalarning tizimi.

2. «Ma'rifat» guruhi esa huquqiy madaniyatga qo'shimcha ta'rif beradi.

Har qanday madaniyat yuksak ong va tafakkurga asoslanar ekan, huquqiy madaniyat ham, avvalo, huquqiy tafakkur va dunyoqarashlarni talab etadi.

Har qanday muammoni hal etishda birinchi navbatda qonunga murojaat etish, uning huquqiy tomonlarini o'ylab ko'rishga to'g'ri keladi. Bu esa huquqiy madaniyatni hamma uchun zaruriyatga aylantiradi. Huquqiy madaniyat esa Konstitutsiya, qonunlarni, umuman huquq ilmini o'rganish orqali shakllanadi.

**Tarbiyachi:** — Aziz o'quvchilar, mana huquqiy madaniyat haqida ma'lumotga ega bo'ldingiz. Haqiqatan ham huquqiy jamiyatda qonunni yaxshi bilish har bir fuqaro uchun hayotiy zaruratdir. Lekin bu boradagi bilimni inson o'zi uchun qandaydir ustunlik beradigan imtiyoz deb tushunmasligi va shundan foydalanib, faqat shaxsiy manfaatlarini amalga oshirishga urinmasligi kerak. Qonunlar, avvalo, insoniylikka asoslanadi. Ular har bir kishidan o'z huquq va erkinliklarini boshqalarga zarar yetkazmaydigan, ularni norozi qilmagan holda amalga oshirishni talab qiladi. Buning uchun biz qonunlarni bilish orqali insonga hurmat, insonning huquqlarini qadrlash fazilatlarini o'zimizda shakllantirishimiz kerak. Bu huquqiy madaniyatning yuksak namunasidir.

**Dilafro'z ALIMOVA,**  
Uchko'prik tumanidagi  
1-IMI o'qituvchisi

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, олдимизда турган долзарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб олинди. Уларнинг қай даражада бажарилиши, амалга оширилиши бугун халқимизнинг, мутахассисларнинг, хусусан ёшларимизнинг кўйилган вазифаларни теран англаб, тушуниб етишига ҳамда уларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети «Сиёсатшунослик» кафедраси ташаббуси билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Сиз Президент асарларини биласизми?» эсселар танлови бу борада катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Яқинда ушбу танловнинг якуний босқичи тугалланиб, голиблар тантанали равишда тақдирланди.

— Танловни ўтказишдан асосий мфаксад — талаба-ёшларнинг Президентимиз маъруза ва асарларида асослаб берилган устувор йўналишларни, тамойилларни чуқур англаб, ўзлаштириб олишларига эришиш, — дейди университетнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси муовини, сиёсатшунослик фанлари доктори Қаҳрамон Куранбоев. — Янги вазифалар, мақсад ва ғояларни ҳаётнинг ўзи илгари суриши табиий. Бундай янги-ланишларга ёшлар тайёр бўлиши, унинг фаол иштирокчисига айланиши лозим. Бунда талабалар диққатини устувор вазифаларнинг маз-

ларда Президент асарлари бўйича муайян тушунтириш ва тайёргарлик ишлари олиб борилди. Сўнгра «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Сиёсатшунослик» фани ўқитилаётган 4-курс талабалари орасида энг яхши ижодий эссе соҳиблари сараланди.

Дастлабки синовдан муваффақиятли ўтган эсселарнинг энг яхшиларини аниқлаш иккинчи босқичда

— дейди «Сиёсатшунослик» кафедраси доценти, ҳайъат аъзоси Дилфуза Ҳабибуллаева. — Қатнашчиларнинг кўпчилиги асарларни ўрганиш билан бирга, давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифаларни амалиёт билан боғлаб, ўз мулоҳазаларини, таклифи ва қарашларини баён этгани бизни қувонтирди.

Эсселар 40 баллик тизимда баҳоланди. Унга кўра, иштирокчининг Президент

## Ko'rik-tanlov

тетик жиҳатлари (5 балл) ҳисобга олинди.

Танловнинг якуновчи босқичида университет раҳбарияти, «Сиёсатшунослик» кафедраси ва Талабалар кассаба уюшмаси томонидан 1-, 2-, 3-ўринлар (ҳар бири учтадан) соҳиби бўлган эссе муаллифлари тантанали равишда диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, «Энг яхши нотик», «Энг яхши шарҳловчи», «Энг яхши сиёсатчи», «Энг яхши таҳлил учун», «Энг яхши ижодий ёндашув учун», «Энг яхши бадиий ёндашув учун», «Энг яхши безак учун» каби номинацияларда рағбатлантирувчи ўринлар эълон қилинди.

— Мазкур танлов иштирокчиси сифатида шундай хулосага келдимки, — дейди биринчи ўрин соҳибаси, журналистика факультети талабаси Камола Абулқосимова. — Президентимиз ҳар бир асари бугунги куннинг долзарб масалалари туб моҳиятини тушуниш ва англашда биз каби ёшлар учун ҳаёт мактабидир.

Дилшод КАРИМОВ,  
«Ma'rifat» муҳбири

# ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ КУЧ

мун-моҳиятига, ҳаётбахш жиҳатларига қаратиш зарур. Шу билан бирга, халқимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган, янги, улғувор вазифалар олдимизда турганлигини ёшлар онгига сингдиришда бундай танловларнинг ўрни беқиёс.

Эсселар танлови университет барча факультетларининг 4-курс талабалари ўртасида 3 босқичда ўтказилди. Дастлаб факультет-

факультетлараро давом этди.

— Иштирокчиларни баҳолашда талабанинг эссе ёзиш натижасида конституциявий, ҳуқуқий ва тарихий ахборотларни тўғри танлаб, тўғри баён этиб, талқин қилиш асосида ўзининг мустақил фикри, фуқаролик позициясига таянгани, ҳатто зиддиятли масала бўйича ҳам ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олгани эътибордан четда қолмади,

асарларини билиш даражаси (10 балл), давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини аниқ баҳолаб, тўғри талқин эта олганлиги (5 балл), мустақил фикри (5 балл) ва унинг изчиллиги ҳамда мантиқийлиги (5 балл), ҳаётий факт ва далиллардан тўғри фойдалана олганлиги (5 балл), ёзма ишининг (ўзбек ва рус тилидаги) услубий ва имло меъёрларига тўла жавоб бериши (5 балл), бадиий ва эс-

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТСИН

«Yoz — 2010»

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, доимий эътибордаги масала. Бунда айна пайтда фаолият бошлаган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг ўрни ката. Бу йилги соғломлаштириш оромгоҳларида Андижон вилояти бўйича 20430 нафар бола дам олиши режалаштирилди. Шундан 9630 нафари шаҳар четида, 10800 нафари мактаблар қошидаги кундузги болалар оромгоҳларида дам олади. Бунинг учун шаҳар четидаги 19та болалар оромгоҳи талаб даражасида тайёрланди. Шунингдек, халқ таълими тизимига қарашли таълим муассасаларида 38та кундузги оромгоҳ ташкил қилинди.

Шунга эришиш керакки, болалар дам олиш билан бирга, ўзлари қизиққан тўғарак машғулотларида, спорт ўйинларида, кутубхона тadbирларида ҳам фаол қатнашсин.

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда болалар оромгоҳларида ишловчи педагогларга методик ёрдам бериш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, институтида болалар ёзги оромгоҳлари ва соғломлаштириш майдончаларида ишловчи педагог кадрлар ва етакчиларни тайёрлаш бўйича махсус курснинг 40 соатлик ўқув-мавзу режаси асосида ўқув машғулоти ўтказилди. Машғулотлар сиёсий фанлар доктори, профессор К.Юнусов, фалсафа фанлари номзодлари Қ.Убайдуллаев, Ш.Валиев ҳамда тажрибали педагоглар томонидан олиб борилди. Вилоят фавқулодда



вазиятлар бошқармаси ходими А.Рашидов турли хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш тўғрисида гапириб, барча оромгоҳларга шу мавзудаги кўргазмаларни воситаларини тарқатди ва зарур ҳужжатларни тайёрлаш тўғрисида кўрсатма берди.

Вилоят қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ходими М.Мўминов томонидан «Интерфаол машғулотлар» ҳамда М.Мўминова томонидан «2010 йил болалар ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил қилувчиларга ёрдам» рисоалари, Д.Қамбаров томонидан «Болалар оромгоҳлари ишини режалаштириш» тавсияси тайёрланиб, барча болалар оромгоҳларига тарқатилди.

Институтида болалар ёзги оромгоҳларига методик ёрдам бериш ишлари давом этмоқда.

О.СИДДИҚОВ,  
Андижон вилояти

Инсон бўш вақтининг катта қисмини оила даврасида ўтказиши. Бўш вақтни ташкил этишда ота-она намунаси, уларнинг раҳбарлиги муҳим аҳамият касб этади. Бўш вақтда фарзандларни меҳнат билан банд этиш, касб-хунар ўргатиш, оилавий юмушларга жалб этиш ота-онанинг ўғил-қизи олдидаги энг асосий бурчидир. Фарзанд ҳам ўз навбатида отаси ёки онаси унинг учун махсус вақт топиб ўргатишини кутиб ўтирмасдан машғулдан бўш вақтда уларнинг ёнида бўлиш келажакда ҳар бир ишида ёрдам беришини, меҳнат инсонни чиниқтиришини унутмаслиги лозим.

Наманган шаҳридаги 40-умумтаълим мактабида таълим олган кезларимиз Санобар Жўраева, Зокира Ёқуббоева ва бошқа устозларимиз бўш вақтнинг қадрига етиш, ота-онага уй-рўзғор юмушларида кўмаклашиш, хунар ўрганиш зарурлиги тўғрисида шу сингари кўпдан-кўп ўғит,

# ВАҚТ ҚАДРИ

панд-насихатлар қилишарди. Яна улар инсон қанчалик кўп хунар ўрганса, у шунчалик муҳтожлик кўрмайди. Аксинча бўлса, ҳаётда қоқилади, хор-зор бўлади, дея ҳаётий мисолларни келтириши биз ўқувчиларни мулоҳазага чорлагани рост. Агарда ҳар бир ўғил-қиз ота-боболар насихатига қулоқ солиб қизиққан касбини, хунарини ўрганса, миллий анъана, қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат билан қараса, элда азиз бўлади, дердилар.

Ҳозир Тошкент ахборот технологиялари институтининг иқтисод йўналишида таълим олаётган. Бу ерда ҳам устозларимиз вақтдан тўғри, унумли ва самарали фойдаланиш келажакни ўйлайдиган инсонга хос хусусиятдир, дея таъкидлаб, ҳаётий мисолларга мурожаат қилдилар. Мустақил ўқиш, кино, театр, концертлар, кўргазмаларга бориш, тоғ ён бағирларига саёҳатларга чиқиш, спорт ўйинлари, кўрик-танловлар, тўғараклар, фан олимпиадалари, ижодий ишлар танловларида иштирок этиш талабалар фаоллигини ошириши орқали уларнинг ўз эгаллаётган мутахассислигини мукамал ўрганишига асос бўлишини бугун тўлиқ англаб етаяпман. Ўйлаб қаралса, бу тadbирлар ихтиёрий амалга оширилади. Шу билан бирга талабага ўзига хос обрў келтиради. Хуллас, айна пайтда устозларимиз ўғитларига амал қилган ҳолда бўш вақтимизни самарали ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётимиз.

Нуриддин РАСУЛОВ,  
Тошкент ахборот-технологиялари университети



**“Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги  
Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази биносини  
капитал таъмирлаш” объекти бўйича Тендер савдоларини  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Объектнинг бошланғич нархи: 182 000 000 сўм (ҚҚС билан)

Капитал таъмирлаш ишларини бажариш муддати: таъмирлаш ишлари бошланишидан 90 кун.

Объектнинг капитал таъмирланиши: давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

Буютмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази.

Тендер савдолари ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази.

Талабгор ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: айланма маблағлари савдо предмети қийматининг 20% дан кам бўлмаган миқдорда ёки банкнинг кўрсатилган маблағларни ажратиши тўғрисида кафолат хати; ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, ишчи ресурс ва мутахассисларга эга бўлиш; танловда кўрсатилган объектга ўхшаш объектларда иш тажрибасига эга бўлиш; шартнома тузиш учун фуқаролик ҳуқуқлари ва ваколатга эга бўлиш.

Савдоларда маҳаллий ва хорижий қурилиш компаниялари қатнашган ҳолда тендер таклифларини

баҳолашда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нархий преференциялар кўзда тутилган: тендер таклифларини баҳолашда қонунчиликка кўра солиқдан озод этилган хорижий хизматлар кўрсатилган таклифлар баҳосига мазкур солиқ миқдори қўшилади.

Тендерда қатнашиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказига қуйидаги манзил бўйича расмий талаб билан мурожаат этиш керак: Тошкент ш., Юнусобод, 13-қават, 49-б (Тел.: 233-16-32, факс: 233-16-31).

Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг нархи - 150 000 сўм.

Оферталар тендер ташкилотчилари томонидан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун муддатда қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент ш., Юнусобод, 13-қават, 49-б, ЎзР ХТВ ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази биноси.

Оферталар тендер ташкилотчилари томонидан Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5, Халқ таълими вазирлиги биносидан эълон чоп этилган кундан 30 кундан сўнг очилади.

**Халқ таълими вазирлиги  
умумтаълим мактабларига  
ярим юмшоқ стуллар харид  
қилиш бўйича конкурс танлови  
ўтказилиши тўғрисида  
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Конкурс танлови ўтказиш жараёнлари, тартиби, маҳсулотнинг техник тафсилотлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар олиш учун эълон чиққан кундан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) конкурс таклифларини қабул қилишнинг охиригунга қадар ҳар куни соат 10:00 дан 17:00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:


**100159 Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**

**Телефонлар: (8-371) 239-18-24,  
239-41-11.**

**Факс: (8-371) 239-89-58.**

Шунингдек, конкурсда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 28 июнь куни соат 15:00дан кечикмаган ҳолда ўз таклифларини тақдим этишлари лозим.

Кўрсатилган муддатдан кечиканлар мурожаатлари инобатга олинмайди.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**2010-2011 ўқув йили учун  
қуйидаги таълим йўналишлари  
ва мутахассисликлар  
бўйича қабул эълон қилади:**

**БАКАЛАВРИАТ:**

**I. Фикҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультети**

- ▷ Юриспруденция (ислом ҳуқуқи) (ўзбек ва рус гуруҳлари);
- ▷ жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ўзбек гуруҳи);
- ▷ информатика ва ахборот технологиялари (ўзбек гуруҳи).

**II. Ислом тарихи ва фалсафаси факультети**

- ▷ диншунослик (ўзбек ва рус гуруҳлари);
- ▷ психология (дин социопсихологияси) (ўзбек гуруҳи).

**МАГИСТРАТУРА:**

- ▷ диншунослик;
- ▷ исломшунослик;
- ▷ хорижий мамлакатлар иқтисодиёти;
- ▷ мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими.

**Абитуриентларнинг  
ҳужжатлари қабул  
комиссияси томонидан  
2010 йил 20 июндан  
20 июлга қадар,  
магистратурага 1 июлдан  
30 июлгача қабул қилинади.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани, Абдулла  
Қодирий кўчаси, 11-уй.  
Мурожаат учун телефонлар:  
244-00-56, 244-95-97, 244-94-71.**

**ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИГА  
ТОПШИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:**

- университет ректори номига ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги олти дона фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси;
- ҳарбий хизматга тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси кўрсатилади.

**Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.  
Талабалikka танлов асосида қабул қилиш абитуриентнинг  
тест синовларида тўплаган балларига асосан ҳал қилинади.**

**Омад ёр бўлсин Сизга, азиз ёшлар!**

Клара ўн яшарлик пайтида «ойнаи жаҳон»да бериладиган муз устидаги жозибали рақс — фигурали учишни завқ билан томоша қиларди. Соат тунги 24:00 бўлса ҳамки у телевизор олди-дан жилмас, томошани охиригача кўрмаса кўнгли тинчимасди. Бу ҳолат билан онаси — бошланғич синф ўқитувчиси Саломат опа ҳаргиз чиқиша олмас, фигурали учиш ишқибозини койир, аммо отаси Полвонназир ака — гарчи қишлоқ хўжалик ходими бўлса ҳам, қизидаги ихлосни одилон ва тўғри баҳо-лар, кўпинча Кларадаги иштиёқни рағбатлантириб, спортга бўлган қизиқишини маъқулларди. Гоҳида ўзи ҳам қизига кўши-либ муз устида учишни томоша қилишдан эринмасди.

Фигурали учишга бўлган ҳавас Кўшкўпир туманидаги Хоно-бод қишлоғида яшайдиган қизчага бир дунё ваъдаларни инъ-ом этарди. Қишнинг қировли кунларида Клара уйлари олди-даги пахта экиладиган даланинг шўрини ювиш мақсадида су-горилган, аммо қаттиқ совуқ туфайли музлаб қолган майдон-да учишни машқ қилар, муз устида ўзини ҳақиқий фигурали учиш билан шуғулланаётгандек ҳис этарди.



# ҚИШЛОҚ МУАЛЛИМИ

# ТАШАББУСИ

Xotin-qizlar sporti

унда эзгуликнинг қудрати намоён

— У пайтларда қизларни спортга жалб этиш учун бугунгидек диққат-этибор қаерда эди, — дейди Клара. — Бугунги яратилаётган имконият ва қулайликлар ўша даврларда бўлганида, эҳтимол, мен ҳам мохир спортчи ёхуд чемпион бўлардим?! Мактабни битириш арафасида отам қизиқиб ўрганганим — инглиз тилида равон гапиришимни кўргани боисми, менга чет тили ўқитувчиси бўлишим мумкинлигини айтиб қолди. Отамнинг таклифига рози эдим. Қўлимга етуклик гувоҳномасини олиб тўппатўғри пойтахтга йўл олдим. Ўша пайтдаги Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) роман-герман факультетининг чет тиллари адабиёти бўлимига энг юқори балл билан қабул қилиндим.

Клара Бектурдиева ўқишдан бўш пайтларида спорт залидан бери келмас, кўпинча спортчи қизлар билан тил топишиб, улардан спортнинг бадий гимнастика турини ўрганишга киришарди. Олий таълим даргоҳида ўтказиладиган ҳар қандай спорт мусобақасида Клара ҳозир эди. Шу боисдан ҳам ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллади. Дугоналари унга «Сендан яхшигина жисмоний тарбия ўқитувчиси чиқади» дейишарди.

Клара қўлига дипломини олди-ю, Хонобод қишлоғидаги 17-мактабда иш фаолиятини бошлади. Аммо ўқув масканидаги спорт залга бориб-келаверар, нималарнидир режалаштирарди. Чунки мактабда иккита спорт залнинг мавжудлиги орзулари рўёбига туртки бўлишини сезарди. Кўнглига эзгу ниятини тугиб бир кунни ўқув муассасаси раҳбари хузурига кирди.

— Мактабимизда бадий гимнастика тўғрагини ташкил этмоқчи эдим.

— Жуда яхши фикр. Бу ўзингизнинг фанингизга ҳақиқат бермаса бўлди, — дея директор Ойбек Абдуллаевнинг чеҳраси қувончдан ёришди. — Шоядки, бизнинг Хонобод қишлоғининг қизлари орасидан ҳам чемпионлар етишиб чиқса.

Эзгу мақсад йўлида Клара ниятларини амалга оширишга киришди. Инглиз тили ўқитувчиси мактаб раҳбари билан биргаликда бадий гимнастика машғулотларида зарур бўлган жиҳозларни келтиришди, мавжуд бўлмаганларини қишлоқдаги темирчилик устахонасига буюртма беришди. Ўқув даргоҳидаги спорт залининг биттаси «Бадий гимнастика» тўғраги ўқувчиларининг машқ бажариши учун мослаштирилди. Ўшанда 2002 йилнинг илк баҳори эди.

— Дастлаб тўғаракка 10-12 нафар қизлар аъзо бўлди, — дейди муаллима. — Кейинчалик уларнинг сафи кўпая борди. Орадан бир йил ўтгач, 2003 йил 7 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов қишлоқ жойларида, мамлакатимизнинг чекка худудларида болалар спортини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳар биримизнинг кундалик вазифамиз бўлиши кераклигини, айниқса, қизларни спортга жалб этиш алоҳида аҳамиятга эгаллигини таъкидлади. Юртбошимизнинг фикрлари қалбимга бир дунё қувонч олиб кирди. Бугун тўғаракимиздаги гимнастикачи қизларимизнинг сони 70 нафардан ошиб кетди.

Гимнастика — нафақат гўзаллик, нафосат ва назокат рамзи, балки у қаддиқоматни адл ва расо ҳолда тутиши ҳақида тўлқинланиб гапиради гимнастика тўғраги раҳбари. Унинг спортчи қизларининг кўксини олтин, кумуш медаллар безаётганидан фахрланади.

— Шундай қизлар бўладики, спортга ихлос уларнинг

бутун жисму жонига муҳрла-ниб қолган бўлади, — дейди мураббия. — Масалан, Нилуфар исмли шогирдим 6 яшарлигида тўғаракка аъзо бўлганди.

1-синфга ўқишга келгандан сўнг ҳам дарсдан қочиб келиб машқларни бажарарди. Бошланғич синф муалли-маси уни олиб кетар, танаф-фусда эса у яна келарди. Нилуфардаги гимнастикага иштиёқ шу даражада кучли эди. 4-синфни тугатгач, уни Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи қоши-даги мактаб-интернатга олиб бордим. Бу ерда унинг қобилияти ва тажрибаси янада ўсди. Шунингдек, тўғаракнинг солиқ аъзолари-дан Элмира Саидова, Зулфия Отабоева, Нилуфар Ҳайитбоева яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида ишти-рок этиб қайтишди. (Улар-нинг барчаси бугун Урганч Олимпия захиралари колле-жи қошидаги мактаб-ин-тернатда ўқишпти). Мазкур ўқув масканининг ўқувчилари хонободлик Олтиной Отабоева, Шахло Собурова республика миқёсида ўтка-зилган спорт мусобақалари-да фаол иштирок этиб кели-шаётир.

Гимнастика билан шуғул-ланувчи қизларни гўзаллик маъбудаларига қиёслаш мумкин. Чунки уларнинг ҳаракатлари шундай енгил-ки, қушдек учмоқчи бўлиша-ди, гўё.

— Бадий гимнастика спорт билан шуғулланиш нафақат танани чиниқтира-ди, балки тенгсиз гўзаллик ато этади. Шахло Собурова ни ота-онаси тўғаракимга олиб келишганида, 3-синф-да ўқиётган эди, — шогирди ҳақида гапирар экан бироз ҳаяжонланади Клара опа. — Қизчанинг оёқларида тўхтов-сиз оғриқ бор эди. Жуда кўп докторларга кўрсатишган, аммо нафи бўлмаган, қайси

бир шифокор Шахлога ба-дий гимнастика билан шу-ғулланишни маслаҳат бе-рибди. Мен Шахло билан бирга азоб чекдим, бирга қувондим. Орадан минг ма-шаққатлар билан ўтган ярим йил Шахлонинг бутунлай со-ғайишига имкон яратди. Шу билан бирга, энди у маҳор-атли спортчига айланди.

Дарҳақиқат, бугунги кун-да Шахло Собурова вилоят миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Яна бир шо-гирди Зулфия Отабоева ҳам 1-синфда ўқиётганида тўғаракка аъзо бўлган. Унинг оёқлари қийшиқ эди. Ихлос ва чидам, сабр-бардош би-лан олиб борилган машғул-лотлар самараси ўлароқ бугун Зулфия ҳам ҳақиқий спортчига айланди. Устоз шогирдларига машқлар гўзаллик ва нафосат бахш этганини кўриб меҳнатлари мевасидан қувонади.

Шунингдек, гимнастика спорт билан шуғулланиб хасталигидан қутулган Азиза Оллақулиеванинг сўзлари ҳам дардли, ҳам қувончли. Юраги хасталигидан опера-ция бўлган қизалоқ ўша пай-тда ўсишдан ҳам тўхтаб қол-ган экан. Шифокорлар спорт билан шуғулланишни тавсия этишган. Қизалоқ дардининг давосини бадий гимнасти-кадан топди. Бугун унинг кўксини голиблик нашида-сининг тимсоли — кумуш медалъ безаб турибди. У вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган мусобақада фаол иштирок этди. Иқтидори алоҳида тақдирланди. Кўшкўпир туманидаги Хоно-бод қишлоғида жойлашган 17-мактабдаги «Бадий гимнастика» тўғаракимга на-фақат хонободлик спорт их-лосмандлари балки туман марказидан, ҳатто қўшни Айронқўл, Янгиёп, Незахос қишлоқларидан ҳам гўзаллик ошнолари ихлос билан ке-лишади. Бу ерда Клара Бек-

турдиева уларни гўзаллик санъатининг сирларидан огоҳ этади.

Бугун тўғаракнинг энг ки-чик аъзолари — Ҳилола Бек-матова, Рухсора Раҳимова атиги уч ёшда. Уларнинг жо-зибали рақсларидан ҳайра-тингиз ошади. Севинчой Ғайратова, Дилнура Раҳимо-ва эса 5 яшар. Уларнинг ма-ҳорати кундан-кунга ўсиб бораётир.

2009 йили Тошкентда бўлиб ўтган республика IV аёллар спартакиадасида 400 метрга югуриш борасида ўзининг чаққонлигини на-мойиш эта олган Клара Бек-турдиеванинг қобилияти юксак баҳолалиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. У ўзи-нинг фарзандларини ҳам спортга ошуфта этиб тарби-ялади.

— Юртбошимиз томони-дан жорий йилда қабул қилинган «Қишлоқ жойлар-даги болалар спорт объекти-ларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳна-тини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, айниқса, жойларда баркамол авлоднинг вояга етишида муҳим аҳамият касб этган хотин-қизлар спортини янада ривожлан-тириш, уларни муносиб рағ-батлантиришда муҳим омил бўлди, — дейди бадий гимнастика федерацияси-нинг Кўшкўпир тумани бўли-ми бош мураббийси Клара Бектурдиева. — Ҳукумати-мизнинг фарзандларимиз камоли йўлида олиб бораёт-ган кенг қўламли ислохотла-ри асосида ҳар бир қишлоқ-да замонавий талаблар да-ражасидаги спорт мажмуа-лари бунёд этилиб, етук му-тахассис кадрлар билан таъ-минланаётгани ўз самараси-ни бериши тайин.

Клара Бектурдиева ин-глиз тили ўқитувчиси сифа-тида ҳам ўзига хос ютуқлар-ни қўлга киритиб келмоқда. Ўқувчилари фан олимпиада-ларининг туман ва вилоят босқичларида совринли ўринларни эгаллаётгани ус-тозни фахрлантиради. Бу-ларнинг барчаси оддий ўзбек аёлининг матонати ва шижоатидан далолатдир.


Феруза  
ТАНҒРИБЕРГАНОВА  
«Ma'rifat» мухбири

Бугун хорижий тилларни билиш аллақачон замон талабига айланганини тушуниб етган ота-она боласига эрта ёшданок чет тилини ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: **Хўш, болага янги бир тилни ўргатишни неча ёшдан бошлаган маъқул? Мазкур жараёни қай йўсинда амалга ошириш мақсадга мувофиқ? Бу каби қатор саволлар айти кунларда дунёнинг турли мамлакатларидаги тилшунос олим ва мутахассислар орасида мунозараларга сабаб бўлмоқдаки, юзага келган вазиятнинг ўзи масаланинг нечоғли аҳамиятли эканини белгилайди.**

Умуман олганда, бу борада турли қарашлар мавжуд. Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, бола туғилганиданок унга она тили баробарида чет тилини ҳам ўргатиб бо-

низми тез мослашувчанлик хусусиятини йўқотади ва янги ҳолатларга кўникиш хусусияти сусая бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бола мияси кўп кўникмаларни эгал-

пира олишини кўрсатди. Мабодо оилада мулоқот учун учта тил ишлатилса, унда бола ҳам учта тилда гапиришни тезда ўрганиб олади, агарки муомалада тўртта тил бўлса, шунча турдаги сўзлашиш воситасидан фойдаланади ва бу санокни чексиз давом эттириш мумкин. Энг ажабланарли ва айти пайтда қувонарли жиҳати шуки, бир неча тилларда сўзлашиш жараёнида ёш



## ЖАШШИ «ПОЛИГЛОТЛАР»

### уларни қандай тарбиялаш зарур?

риш керак. Яна баъзилари бу ишни ҳатто бола онасининг қорнидалигидаёқ бошлаш яхши натижа беради, деган фикрни илгари суришган. Аънавий услуб тарафдорлари эса шовилмаслик кераклигини, аниқроғи, болага хорижий тилни ўргатишни 12 ёшдан кейин бошлаш энг тўғри йўл, дея ҳисоблайдилар.

Айтиш керак, ушбу масалага дуч келган ота-оналарни доимо "Қайси йўлдан борган маъқул?" деган, савол қийнаши табиий ҳол. Келинг, яхши масалага бир неча мисолларни таҳлил этган ҳолда ойдинлик киритишга ҳаракат қиламиз.

Мазкур йўналишда изланиш олиб борган физиологларнинг таъкидлашича, боланинг ички секреция безлари ривожланишининг даврий босқичлари бўлгани каби миянинг ҳам биологик соатлари мавжуд. Кузатувлардан маълум бўлдики, 9 ёшгача бўлган бола сўзлаш, нутқ қобилиятини эгаллаш ёки шакллантиришда кучли мутахассис каби ҳаракат қилиш имконига эга бўлар экан. Эътиборлиси, ушбу даврдан сўнг нутқ билан боғлиқ мия меҳа-

лаш, айтиқса, чет тилларини ўрганиш учун алоҳида қобилиятга эга, лекин вақт ўтиши билан мазкур жиҳат сўниб боради, дейиш мумкин. Айнан шу сабабли 10 ёшдан кейин бирор-бир йўналиш бўйича билим захирасини бойитишда фарзандларимиз айрим тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келади, деб ёзади «Сайнс» илмий нашри.

Океанортилик шифокор Глен Доман инсон имкониятлари даражасини ўрганаётган олимлардан биридир. У кўп йиллар давомида олиб борилган ўнлаб тадқиқотларидан сўнг қуйидаги қатъий хулосани берди: «Агар ёши катта бирор киши тил ўрганиш қобилиятининг у даражада юқори эмаслигига амин бўлишни истаса, қуйидаги ишни бажариши кифоя, дейди. Аниқроғи, атиги бир ярим ёшли кичкинтой билан чет тилини ўрганишда мусобақалашиб кўриш талаб этилади. Бундай қиёсنى келтиришимиз бежизга эмас, албатта. Сабаби кузатувларимиз агар бола иккита тилда гаплашиладиган оилада дунёга келса, у ҳам шу икки тилда бемалол га-

бола учун мукамалликнинг чеки йўқ экан. Шундан келиб чиқиб, болалар мен билган энг катта тилшунослар, деб дадил айта оламан».

Шунингдек, Доманнинг фикрича, ёш болага чет тилини ўргатишни бир неча ойлигиданоқ бошлаш керак. Ота-оналарга эса маслаҳат: чўчиманг, болангиз сиз ўйлаганингиздан ҳам кўпроқ ишларнинг уддасидан чиқишга қодир. Бунинг устига, ўргатиш учун энг сермахсул давр айнан мия ўсаётган пайтга тўғри келади ва бу вақтдаги таълим фарзанд учун ҳақиқатдан жуда муҳим ҳисобланади.

Қолаверса, замонавий технологиялар ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бола миясининг тузилиши катталар мия тузилишидан фарқ қилади. Кичкинтойларда катталарникига қараганда икки баравар кўпроқ нейронлар бўлади. Бу болаларнинг мия фаоллиги анча юқори деганидир. Физиологик тадқиқотларда инсон ҳаётининг дастлабки уч йилида бош мия хужайраларининг 70—80 фоизи ри-

### Siz nima deysiz?

вожланиб бўлишини тасдиқлади. Бу вақтда бола ниманики кўрса ва эшитса, ҳаммасини тезда ўзлаштиришга қодир бўлади. Бу жиҳатдан тил ўрганиш нуқтаи назаридан олинса, бола бир кунда 20—30та янги сўзни эслаб қолиш қобилиятига эга деганидир. Шундан сўнг олимлар хорижий тилда сўзлашиш кўникмасини хотирада мустаҳкам шакллантириш учун энг мувофиқ вақт 7 ёшгача бўлган даврга тўғри келади, деган хулосага келишди.

Эҳтимол, шу ўринда кимдадир мазкур маълумотларга нисбатан эътироз туғилар. Чунки аксариятимиз чет тилларини мактаб даврида, яъни 10—12 ёшдан ўргана бошлаганмиз ва шунга қарамай, аксариятимиз хорижий тилларни жуда яхши ўзлаштира олганмиз. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, масалан, инглиз тилини кечроқ ўрганган киши талаффузида айрим жузъий камчиликлар учраши, табиий.

Яна бир эътиборли томони — кичкинтойлар миясининг ҳайратланарли имкониятлари ҳақидаги маълумотлар аслида бир неча асрлар олдин ҳам тажрибада синалган ва ўз тасдиғини топган экан. Демак, халқимиз «Ёшлиқда ўрганган билим — тошга ўйилган нақшдир», деб бежиз айтмаган.

Шуни унутмангки, ҳар бир бола ўзгача олам ва у айнан ўзигагина хос хусусиятларга эга. Шунинг учун фарзандингизга, таъбир жоиз бўлса, унинг катталарникидан ҳам кучлироқ миясини ишга солиб, мўъжиза кўрсатишига ёрдамлашинг! Айти пайтда шуни ҳам эсингиздан чиқарманг: полиглот, яъни кўп тилни биладиган фарзанд тарбияламоқчи бўлсангиз, болангиз, энг аввало, унга мустаҳкам пойдевор яратиб берувчи ўз она тилини мукамал билмоғи лозим.

**Шаҳноза ШАРИПОВА,**  
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

# МУОМАЛАДАН ЧИҚҚАН ТИЛ

## замонавий шеваларда «жонланди»

Муомала воситаси ҳисобланган тил ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида турли даврлар давомида босқичма-босқич шаклланади, ўзгаради, такомиллашиб боради. Жараёнда дунё тилларининг баъзилари муомаладан чиқиб, «ўлик тил»га айланади. Қадимий Угарит шаҳар-давлати тили ҳам шу кунгача лингвист ва филолог олимлар томонидан ўлик тил сифатида таърифланиб келаётганди. Лекин яқинда қазилма ишлари пайтида топилган бир қанча қадимий матнларнинг улар томонидан ўтказилган лингвистик таҳлили бу тилга хос қатор хусусиятлар замонавий тилларда кузатилишини аниқлаш имконини берди.

«Иифокс» манбасида ёзилишича, изланишлар пайтида мутахассислар қадимий угарит тили ва ҳозирда муомалада бўлган замонавий араб тили ўртасида, хусусан, грамматика ва сўз маъноларида жуда кўп ўхшашликлар борлигини аниқлашган. Шу билан бирга, тадқиқот бу кўхна шаҳар-давлатда истиқомат қилган ин-

сонлар авлодлари ҳозир қаерда яшаётгани тўғрисидаги саволга ҳам ойдинлик киритди.

Аслини олганда, Угарит давлати 1928 йили француз археологлари томонидан «кашф» қилинган. Қазилма ишлари пайтида ушбу йирик порт шаҳар-давлат Ўрта Ер денгизи соҳилида, ҳозирги Суриянинг Рас-Шамра қишлоғидан узок бўлмаган ҳудудда жойлашгани маълум бўлди. Эрамиздан аввалги 1450—1200 йилларда Угарит давлати жуда гуллаб-яшнаган, бироқ милоддан олдинги 1180—1170 йилларда у бутунлай йўқолиб кетган.

Қизиги, шу пайтга қадар угарит тили семит гуруҳидаги тилларнинг ўлик турларидан бири деб ҳисобланарди. Унинг консонанталардан иборат миҳхат номаларини (уларда фақат ундош товушлар битилган) тадқиқотчилар қадимий шаҳар ўрнида топилган ёзма манбалар туфайлигина ўрганиш имконига эга бўлишган. Шу сабаб, угарит тилида битилган

манбалар Миср иероглифлари ва Месопотамия миҳхат ёзишмаларини ўқишда зарур бўладиган энг муҳим топилмалардан бири бўлди.

Латакия археологик бошқармаси раҳбари Жамол Ҳайдарнинг таъкидлашича, Рас-Шамра тепалигидаги қазилма ишлари пайтида угаритлик мирзанинг ўз ўқувчиларига

### Sharh

алифбони ўргатаётган жараёни акс эттирилган манбалар топилган. Мутахассис, шунингдек, Қадимий Угаритда мирзалар жуда яхши саводга эга инсонлар бўлгани, саройларда бу касб эгаларига нисбатан алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилгани ҳақида ҳам маълумот берилган. Қадимий матнларни ўрганиш жараёнида угаритлик мирзалар хорижий тилларни ўрганиш билан ҳам жиддий шуғуллангани аниқланди. Улардан мунтазам

равишда турли лаҳжаларни ўрганиш, ханаан тилларига (уларга лингвистлар қадимий ғарбий ханаан, угарит, аморей, иврит (қадимий яҳудий), финикия ва моавит тилларини киритади) эътибор қаратиш талаб этилган.

Таъкидлаш жоизки, бунгача олимлар 31та ҳарфдан иборат угарит тили ҳақида маълумотга эга бўлишганди. Аммо Жамол Ҳайдарнинг сўзларига қараганда, энг сўнгги сопол номаларда қадимий алифбо тартиби яхши кузатилади. Эътиборлиси, у араб ва грек тилларидаги ҳарфлар тартибига жуда ўхшаш бўлиб, тафовутлар у даражада ҳам катта эмас.

Мутахассислар угарит ва араб тиллари грамматикаси ҳамда қатор сўз бирикмаларида ўхшашлик бор, деб бежизга айтишмайпти. Бойси улар араб тилидаги сўзларга ўхшаш 1000дан ортиқ угарит сўзларини аниқлашган. Бу эса ўз навбатида, ҳозирга қадар олим-


ларга маълум угарит тили захирасининг учдан икки қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, угарит тилидаги баъзи сўзларнинг мумтоз араб тилида ўхшашлари кузатилмасанда, улар Латакия шеваларидаги сўзларга яқин эканини Жамол Ҳайдар алоҳида таъкидлади.

Археологик қазилма ишларига раҳбарлик қилувчи яна бир тадқиқотчи Ҳасан ал-Қаюм фикрига кўра, инглиз олими Жон Хейли замонавий Латакия аҳолиси угаритликларнинг авлодлари, деган хулосани берган. Мазкур қараш сўнгги лингвистик тадқиқотлар натижаларига мос келиб, нима сабабдан угарит тилидаги кўплаб сўзлар маҳаллий шевалар луғат таркибига кирганини ҳам изоҳлайди. Энг муҳими, ушбу ўзига хос «мерос» қадимий шаҳар-давлат ва бу ерда аҳоли ўртасида муомалада бўлган тилни ўрганиш, унинг хусусиятларини белгилаш жараёнини анча енгилаштирди.

**Наргиза ИБРОҲИМОВА**

## РАНГЛИ ЭЛЕКТРОН «КИТОБ»

Тайваннинг «Прайм Вью Интернейшнл» компанияси ридер, бошқача қилиб айтганда, электрон китоблар (хусусан, энг кўп тарқалган «Amazon Kindle» турдагилари) учун зарур ташкилий қисмларни ишлаб чиқаради. Шу кунлари мазкур компания вакиллари тез орада электрон қоғоз асосидаги рангли экранли ридерларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйилаётганини эълон қилди, дейилади «Дижитаймс» манбасида.




Жараёнда компания фаолияти электрон китобнинг турли моделлари учун электрон сиеҳлар технологиясига қаратилган «Э-Инк» фирмаси билан биргаликда иш олиб бормоқда. «Прайм Вью Интернейшнл» компанияси директори Скотт Люнинг таъкидлашича, ҳозирнинг ўзидаёқ «Э-Инк» методикаси асосида ишланган рангли дисплейли электрон китоб намуналари синовдан ўтказила бошланди. Тўғри, бундай китоблар дисплейли компьютер ёки телевизор экранни каби тасвирни аниқ акс эттириб бермаслиги мумкин. Шу боис мазкур йўналишда ишлар яна давом эттирилади.

## НОАНЪАНАВИЙ ДОРИ ЕТКАЗИШ

Голландиялик тадқиқотчилар Роланд Нольте ва Йорен Корнелиссен вирусни организмга дорини етказиб берувчи воситага айлантиришнинг уддасидан чиқишди. Изланишларда олимлар вируснинг инсон учун потенциал хавфли ташкилий қисмларини ажратиш, фақат фойдали жиҳатларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди, деб ёзади «Нейчэ Кемистри».

Тажрибада манфий вирус заррачалари нурга сезувчан полимерларнинг мусбат зарралари билан бирлаштирилган. Бунда полимер молекулалар бириктирувчи елим вазифасини ўтаган. Тўпلامни йиққанда, сўнг уни яна қисмларга ажратиш олимлар учун энг мураккаб синов бўлди.



Айтиш керакки, тажрибада фойдаланилган полимер молекулалар бир-бирига боғланган узун занжирларни ташкил этиб, улар дарахтсимон кўринишдадир. Бунда ҳар бир занжирнинг учи ўзига турли зарраларни тортиш хусусиятига эга. Тажрибани муваффақиятли яқунлаш кўп жиҳатда ёруғликдан фойдаланишга боғлиқ бўлди. Чунки ёруғлик полимер молекулалари ҳаракатини бошқариш имконини беради.


Агар маълум муддат йиғилган зарралар тўпламига ультра-бинафша ёки узун тўлқинли ёруғлик нури билан таъсир қилинса, ташкилий қисмларнинг парчаланиши кузатилган. Шу тариқа, олимлар вирус зарраларини бирлаштириш, сўнгра объектни организмга киритиш ва яқунда тана ичида унинг парчаланишини ташкил этишга муваффақ бўлишди.

Тажрибанинг аҳамияти шундаки, бунда бўш вирус зарраларини турли мақсадларда ишлатиш мумкин. Масалан, уларни дори-дармон воситалари билан тўлдириб, организмга киритиш яхши самара беради. Танага киритилгач, уни ёруғлик нури ёрдамида парчалаб, ичидаги дорини организмнинг маълум қисмига тарқатилишини таъминлаш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, вирус зарраларидан келажакда микроципларни яратишда ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

## УСМАНИ АНИҚЛАШДА НАНОПУФАКЛАР ЁРДАМИ

Хитойлик олимлар томонидан ультратовушли текширувлар, хусусан, саратон ўсмаларини даволаш жараёнида қўлланиладиган, нанопуфакчалар асосидаги янги биологик эритма ишлаб чиқилди. Бу ҳақида «Нанотехнология» журнали маълум қилди.

Тиббиётда кўпга сурункали касалликлар ультратовушли текширув — доплерография ёрдамида ташхис қилинади. Бунда асосан инсон организмидagi қон оқимини махсус ускуна ёрдамида кўз билан кўриб (визуал), назорат қилиш орқали тананинг патоген (касалик кўзгатувчи) қисмларини аниқлади. Лекин эндиликда маълум ўзгаришлар киритилса, бу услубдан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги ойдинлашди. Чунки аксарият тиббиётда визуал ташхис қўйишда махсус контрастли эритмалардан фойдаланиш энг яхши ва аниқ натижаларни бериши олимларга маълум. Сўнгги тадқиқотлар пайтида, хусусан, доплерография усули билан ускуна экранидagi тасвирни жуда аниқ акс эттиришда ҳам бу каби эритмадан самарали фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланган.



Буни тўғри англаган Хитойдаги Харбин технология ва Пекин университетлари нанобиологлари ҳамкорликда наноҳажмдаги пуфакчалар асосида шундай махсус эритма яратилди. Натижада, уни организмга киритгач, доплер текширувлари сифати анча юқори бўлиши кузатилди. Сабаби эритма митти ҳажмдаги пуфакчалардан ташкил толган бўлиб, улар қон томirlари орқали тананинг барча қисмларига кириб бориб, зарарланган органларда тўпланади. Уларнинг айнан касалланган, яъни ўсимта ривожланиши мумкин бўлган тана қисмларида йиғилишига сабаб шуки, соғлом тўқималарда қон айланиши зарарланганларига нисбатан тезроқ кечади. Шунинг учун ҳам нанопуфакчалар қон оқими бироз суст айланаётган органларда тез йиғилиб қолади ва ультратовушли текширув пайтида касалланган тана қисмида ускунага кучли акустик сигнал бориши кузатилади. Шу тариқа, янги нанопуфакчали эритма ўсмаларни ҳали улар организмда кенг тарқалиб улгармасидан ташхислаш имконини беради.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

## ЭКОТИЗИМ ПОЙДЕВОРИ — ЧУМОЛИЛАР

Олимлар илк бора Африка саванналарининг экологик тизими чумоли каби кичик ҳашаротларга боғлиқ эканини аниқлашди. Сабаби улар энг иссиқ қитъа чўлларидаги қуруқ ва қаттиқ тупроқнинг унумдор бўлишига ҳисса қўшади, деб ёзади «ПлоС Байоложи» («PLoS Biology») журнали.



Умуман, Африкада чумолилар тупроқдан фойдаланиб, баландлиги бир метрдан юқорида бўладиган уйлар — термит инларини барпо этиши унумдорликни оширишда бир қанча вазифаларни бажариши олдиндан маълум эди. Таъкидлаш зарурки, бунда ҳашаротлар тупроқ оралаб ҳаракатланади, унинг орасида говакларни пайдо қилади. Бу, ўз навбатида, қуруқ ва қаттиқ ернинг ҳаво ва азот билан тўйинишига туртки бўлади.

Шунга қарамай, Нью-Йорк университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари фақат бугунга келиб ҳашаротлар меҳнати самарасини тўла маънода баҳолашга эришди.

Мутахассислар ҳозирда Намибия саванналаридаги термит инларини ўрганиш билан банд. Улар ҳудудда энг кўп ўсадиган Африка акация дарахтлари чумоли инига яқин бўлса, новдалари 60 фоизга кўпайиши ва ҳосилдорлиги икки баробар кўп бўлишини аниқлади.


— Гап шундаки, акация ва унинг гуллари ҳашаротларни ўзига жалб қилади, — дейди гуруҳ раҳбари Скотт Тернер. — Улар судралиб юрувчиларнинг озуқаси бўлгани учун термит ини яқинидаги дарахтларда турли калтакесаклар икки баробар кўп кузатилган. Тупроқнинг юқори даражадаги унумдорлиги туфайли чумолилар бор ҳудуддаги ўт-ўланлар нисбатан сершира ва тўйимли бўлади ҳамда ўтхўр ҳайвонларни чорлайди. Саваннадаги йирик йиртқич ҳайвонлар эса уларнинг кетидан ушбу жойларга келади. Мазкур ўзига хос айлана тизимининг дастлабки халқаси вазифасини айнан шу кичик чумолилар ўташи эътиборга лойиқдир.

Скотт Тернер бошчилигидаги олимлар гуруҳи яна ҳашаротлар ўз инларини саванна бўйлаб жойлаштиришни самарали йўлга қўйганини аниқлашди. Компьютер дастурлари бир-бирдан 20-120 метр узоқликда жойлашган термит чумолилари уйларининг бундай тартиби мазкур ҳудуддаги ер ва ер ресурсларидан максимал даражада самарали фойдаланиш имконини беришини кўрсатди. Тадқиқот муаллифлари изланиш қитъа фермерлари учун айнқса муҳим эканини таъкидлашмоқда. Чунки улар айна пайтга қадар термитлар экинларга зарар келтиради ва бу ҳашаротларга қарши курашиш зарур, деган фикрда эди.

## БАКТЕРИЯНИ ЎЗИДА СИНАБ КЎРГАН

Австралиялик Робин Уоррен ва Барри Маршаллнинг кашфиёти тиббиёт соҳасидаги ўтган мингйилликнинг чинакам инқилоби бўлган эди. Олимларнинг илмий янгилиги ошқозон яраси касалликларини даволаш ва олдини олиш усулларини аниқлаш имконини яратди, деб ёзади km.ru портали.

1979—1981 йилларда гастроэнтеролог Б.Маршалл ошқозон шиллиқ қаватининг морфологик (тузилиш билан боғлиқ) ва клиник ҳолатларидаги ўзгаришларни ўрганиб, спиралсимон бактерия одамларда турли хил фаолликдаги гастритларни келтириб чиқариши мумкин, деган тахминни илгари сурди. Ўз илмий фаразини исботлаш учун у тоза бактерия намунасини ўзида синаб кўради, аниқроғи, уни истеъмол қилади. Сўнг олимда гастрит ривожлана бошлади. Зарарланишнинг ўнинчи кунда гастрит белгилари намоён бўлади. Маршалл икки ҳафта давомида висмут тузи ва метронидазол ёрдамида ўзидаги гастритни даволайди ва ўзида ижобий ўзгаришларни сезади. Натижадан руҳланган олим ҳамкасби Р.Уоррен билан биргаликда текширишларни давом эттириб, ўн икки бармоқли ичак, ошқозон яраси ва гастрит касалликларини даволашда антибиотиклар яхши самара беради, деган хулосага келди. 1998 йилга келиб эса бактериянинг тўлиқ геноми аниқланди.



Энг эътиборлиси, 2005 йилда бактерияни кашф қилган икки нафар олим — Робин Уоррен ва Барри Маршалл медицина йўналишида Нобель мукофотига лойиқ деб топилди.

## КАРАМ ГАСТРИТГА ҚАРШИ?!

Ҳар кунни брокколи туридаги карамни истеъмол қилиш ошқозон яраси ва саратонни келтириб чиқарувчи (*helicobacter pylori*) бактериянинг фаоллашувига халал беради. Хоккайдо университетидa тадқиқотчи Жед Хеффри бошчилигидаги халқаро олимлар гуруҳи қатор япониялик кўнгиллилар иштирокида тажриба ўтказишган. Мавзуга бағишланган мақола «Анатомия» илмий нашрида чоп этилди.



Тажриба пайтида катнашчиларнинг бир гуруҳига икки ой давомида брокколи (гул) карамини истеъмол қилиш таклиф этилган. Натижа, бу турдаги карамни шунча муддат ейишнинг ўзи зарарли бактерияга қарши самарали ҳимоя воситаси бўлиши қайд этилди. Тадқиқотчилар мазкур ҳолатни сабзавот таркибидаги кучли антибиотик моддаси каби таъсир этувчи сулфорофан борлиги билан изохламоқда. Айна пайтда мазкур модда бактерия фаолиятини фақатгина тўхтатишга қодирлигини таъкидлаган ҳолда, ундан тўлиқ ҳолос бўлиш учун кўшимча муолажалар амалга оширилиши ҳам маълум қилинди.

Шоҳиста РУСТАМОВА, ЎзМУ биология-тупроқшунослик факультети талабаси

Тошкент давлат техника университети «Геология ва кончилик иши» факультети томонидан 2006 йили Шобўтаева Фируза Асатуллаевна номига берилган № 0713 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номдаги ТДПУнинг ректорати, жамоат ташкилотлари, «Табий фанлар» факультети «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси мудири, география фанлари доктори, профессор

Хурбой ВАХОБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

## So'z ko'rki

## NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

## Ye

**Yema-ichma, bo'l baxil, boy bo'lmasang, men kafil.**

Maqol kinoya, kesatiq, piching, nafratli tanqid ohangiga ega. Ziqna, xasis, ichi qora, baxil odamlarni insofga chaqirish mazmunida. Haqiqatan ham yemay-ichmay, tuf deb tugib, baxillik bilan topganini biron bilan baham ko'rmay, oilasi, bola-chaqasidan yashirib to'plagan, uygan, yiqqan kimsa boy bo'lishi tayin. Lekin uning boyligidan kimga foyda? Bu xasis mol-dunyasini nafaqat o'zgalari, yaqinlari, hatto o'ziga ham ravo ko'rmaydi. "O'zi yemas, itga bermas" deb shunday nokaslarni aytadilar.

Maqol qahramonini tanqid qilish bilan insonlar qo'li ochiqlik, saxovat, serhimmatlilikka chaqiriladi.

## J

**Jalada qolgan yomg'irdan qo'rqmas.** Bu maqol "Hayotda katta-kichik qiyinchiliklar ko'rgan odam, unchamuncha mashaqqatdan cho'chimaydi, chidaydi, bardosh beradi" degan mazmunda ishlatiladi. Qiyosda "Yomg'irdan qutulib jalaga tutildim" maqoli ham borki, mazkur maqolning teskari mazmunini ifodalaydi.

Naqlda qiyos, qat'iyat, iroda, o'ziga, o'z e'tiqodiga ishonch ruhi mujassam.

**Jo'jali tovuqdan don ortmas.** Muqobillari: "Bolali qushdan don ortmas"; "Buzoqli sigirdan cho'p ortmas"; "Qulunlagan biyadan quduqdagi suv ortmas"; "Bolali uydan non ortmas" kabilar. Bu maqollar bilan "Ro'zg'ori, oilasi katta, bola-chaqasi ko'p odamdan hech narsa ortmaydi, qo'lida ortiqcha mablag'i ham bo'lmaydi. Bunday odamlardan bir nima umid, ta'ma qilma, so'rama, so'rasangu topolmasa, gina qilma" deyilmoqchi.

**Jo'jani kuzda sanaymiz.** Muqobillari: "Chuchvarani xomligida sanama, jo'jani kalligida sanama"; "Chuchvarani pishirib sana, jo'jani ochirib". Jo'ja bahorda, oldi yoz tuxumdan ochib chiqadi. U paytda hali uning boshiga par chiqmaganligi uchun "kal" deb ataydilar. Jo'jalar to kuzga borguncha ancha katta bo'lib, o'zini-o'zi eplay oladigan bo'lguncha, qanchasini mushuk, kaxat va boshqalar yeb ketadi, qanchasi biror shikast topib, nobud bo'ladi. Kuzgacha eson-omon yetib olganlarigina haqiqiy jo'ja, keyinchalik tovuq, xo'roz bo'ladi.

## Z

**Zamon zamonga o'xshamas.** Muqobillari: "Odam odamga o'xshamas"; "Har ishning o'z mavridi bor" va hokazo. Haqiqatan ham davr, zamon, vaqt o'qar daryo, uni to'xtatib bo'lmaydi. Zamonning zamonga o'xshamasligi ham bor gap. Odatda mazkur maqolni zamonaning zayli bilan qiyinchilikka duch kelgan, mushkul ahvolga tushgan va o'z ayanchli holidan noliydigan odamlarga taskin, tasalli sifatida ishlatadilar. Ayni chog'da maqolda majhul, xolis, ijobiy xulosa ohangi bor. Kelajakka umid hissi ham yashirin.

**Zamon senga boqmasa, sen zamonga boq.** Murosai madora maqoli. Zamonning, davrning, hayot bosqichining tartib-qoidalariga ko'nikish, zamonasoz bo'lishga, qanoat va bardoshga da'vat etuvchi bu maqolning quyidagi muqobillari ham bor: "Zamon senga sozlik qilmasa, sen zamonga sozlik qil"; "Zamon senga bo'yin qo'ymasa, sen zamonga bo'yin qo'y"; "Yel qayoqqa essa, yelkan shu yoqqa suzadi"; "Shamol qayoqqa essa, boshqoq shu yoqqa egiladi"; "Zamonang qanday bo'lsa, bo'zkingni shunday kiy"; "Aravasiga tushdingmi, qo'shig'ini ham ayt".

Mazkur maqol bilan: "Zamon hamisha birday turavermaydi, tobora o'zgarib, murakkablashib boraveradi, shunday ekan, sen ham o'z biliming, dunyoqarashing, hunaring bilan chegaralanib qolmay, oldinga intilaver. Billimingga bilim, hunaringga hunar qo'shaver. Shundagina zamon bilan hamqadam, teng yurolasan, undan ortqa qolsang, senga qiyin bo'ladi" degan ma'noda nasihat qiladilar. Xalq bu borada o'z xulosasini ham chiqarib qo'ygan: "Zamon yomon emas, zamonga boqmagan yomon".

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН  
ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2010/2011 ўқув йили учун

## Бакалавриятнинг қуйидаги йўналишлари:

## Филология ва тилларни ўқитиш

- инглиз тили
- немис тили
- француз тили
- испан тили
- рус тили
- хитой тили
- Рус тили ва адабиёти (ўзга тил гуруҳларига)
- Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)
- Халқаро журналистика

## Магистратуранинг:

- Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)
- Лингвистика (тиллар бўйича)
- инглиз тили
- немис тили
- француз тили
- испан тили
- рус тили
- Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)
- Халқаро журналистика (фаолият, турлари бўйича)

мутахассисликлари бўйича  
қабул эълон қилади.

Университет қабул ҳайъатига топшириладиган  
хужжатлар қуйидагилардан иборат:

- \* университет ректори номига ариза;
- \* ўрта ва ўрта махсус маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома ёки дипломнинг асл нусхаси;
- \* 3,5x4,5 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- \* 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
- \* паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли хужжат шахсан кўрсатилади.

## Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

Абитуриентларнинг хужжатлари қабул комиссияси томонидан  
2010 йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар қабул қилинади.

Манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, академик Решетов кўчаси, 4-уй.

"Пахтакор" метросидан 35-автобус, "Чилонзор" метросидан

20-автобус, 37-маршрут такси қатнайди.

Телефонлар: 243-58-82, 275-77-95, 243-35-09

Талабалikka қабул қилиш  
абитуриентнинг тест  
синовларида тўплаган  
баларига асосан  
амалга оширилади.  
Халқаро журналистика  
ва испан тили йўналишларида  
тест натижаларидан  
ташқари ижодий  
имтиҳонда олинган баллар  
ҳам ҳисобга олинади.



## БАҲСЛАР ҚИЗГИН ТУС ОЛМОҚДА

Футбол ўзининг қутилмаган натижаларга бой эканлиги билан ҳам доим эътиборимизни тортган, меҳримизни қозонган. Жанубий Африка Республикасида ўтказилаётган 19-жаҳон чемпионатида ҳам муҳлисларнинг ҳаёлига келмаган воқелиklar бирин-кетин содир бўлмоқда. Хусусан, “қизил фурия” — Испания миллий терма жамоаси ўз гуруҳидаги дастлабки учрашувни Швейцарияга қарши ўтказди ва...

Мундиалнинг яққол фаворитлари дея эътироф этилаётган испанлар Швейцария жамоаси дарвозаси томон қанчалик кўп зарба бермасин, барибир мақсадига эришолмади. Аксинча, рақиб жамоа биргина қарши ҳужумдан унумли фойдаланиб, мувозанат посангисини бузди. Жаҳоннинг энг етакчи соккерчиларини бир миллий терма жамоа атрофига бирлаштирган Дель Боске тактик жиҳатдан ўйинни бой берди. Шундай қилиб, жаҳон чемпиони бўлишга асосий даъвогар дея аталаётган юрт ўғлонлари 1:0 ҳисобида имкониятни бой бериб, жуда

ҳам қийин аҳволда қолди. Чунки навбатдаги босқисга чиқиш учун Чили ва Гондурасни фақат ва фақат енгшига тўғри келади.

Кейинги сенсация Мексика ва амалдаги вице-чемпион Франция учрашувда қайд этилди. Раймон Доменек бош мураббийлигидаги Франция терма жамоаси мағлубиятга учради. Якуний ҳисоб 2:0 кўринишини олди, Мексика голиб. Энди французларни фақатгина “мўжиза” гуруҳдан олиб чиқиши мумкин. Акс ҳолда 2002 йилги “сценарий” такрорланади...

Учинчи қутилмаган натижа ЖАР ҳамда Уругвай жамоалари учрашувда кузатилди. Жорий йилда Испания премьеросида ажойиб мавсумни ўтказган, ҳатто “Атлетико Мадрид” клуби таркибида Европа Лигаси бош соврини

соҳибига айланган Диего Форланнинг чамаси 30 метрлардан йўлланган фантастик голи мезбонларни қарахт қилиб қўйган бўлса, ажабмас. Шу тариқа ўйин асабий руҳда давом этди ва матч ярмига келиб, ЖАР би киши кам бўлиб қолди. Бундан унумли фойдаланган жанубий америкаликлар рақиб дарвозасини яна икки бор аниқ нишонга олди ва якуний натижа 3:0 бўлди. Ҳозирда “А” гуруҳида Уругвай ва Мексика терма жамоалари ним чорак финал йўлланмасини қўлга киритиш учун жуда яқин туришибди.

Жаҳон тан олган собиқ футболчилар Пеле ва Платини томонидан кескин танқидга учраган Диего Марадона шогирдлари эса Жанубий Кореяни 4:1 ҳисобида торжор келтирди. Сайёрамизнинг амалдаги энг яхши футболчиси Лео Мессининг маҳорати эвазига ташаббусни ўз қўлига олган аргентиналиклар ним чорак финал йўлланмасини мuddатидан аввал қўлга киритди. “В” гуруҳи иккинчи

ўрини учун қолган учта миллий терма жамоа — Нигерия, Греция ва Ж.Кореяда ҳам имконият бор. Бу 3-турдан сўнг маълум бўлади.

Қолган ўйинлар натижаси қуйида кўрсатилди: Бразилия — КХДР 2:1, Гондурас — Чили 0:1, Греция — Нигерия 2:1.

Кеча “С” гуруҳида иккита: Словения — АҚШ ҳамда Англия — Жазоир матчлари ўтказилган бўлса, “D” гуруҳида Германия — Сербия ўйини ўтказилди. Мазкур беллашувлар орасида эътиборимизни тортган баҳс Англия ва Жазоир қарама-қаршилиги бўлди. Брисни уни ўзбек рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқариб борди. Айтиш жоизки, дастлабки учрашувда ўзининг етук мутахассис эканлигини исботлаган юртдошимиз навбатдаги масъулиятли учрашувни ҳам аъло даражада назорат қилди.

Бир сўз билан айтганда, ЖАРда кечаётган мундиал тобора қизгин палласига кириб бораётир. Жамоалар ўртасидаги тафовутнинг нечоғлик нисбий эканлигига деярли ҳар куни гувоҳ бўляпмиз. Хуллас, ҳар хил ҳисоблар тўғрисида бош қотиргунча, футболнинг ўзини томоша қилганга нима етсин?!

Зоҳиджон ХОЛОВ



### ГОЛЛАНДИЯДА ТЕННИС ТУРНИРИ

Дунёнинг собиқ биринчи рақамли ракетчиси белгиялик Жюстин Энен Голландиянинг Хертогенбос шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро турнирда муваффақиятли юришини давом эттирди, деб ёзди “Новости” ахборот агентлиги.

Умумий ютуқ жамғармаси 220 минг долларни ташкил этган биринчиликда Энен ўз ҳапти-ҳаракатлари, фаоллиги эвазига рақибларга ҳавф туғдираётган ҳужумлари муҳлислар диққати марказида турибди. Энен чорак финалда олмониялик теннисчи Кристина Барроисни икки сет натижасига кўра, 7:5, 6:3 ҳисобларида доғда қолдирганди. Ярим финалда бельгиялик моҳир спортчи руминиялик ҳамкасби Александра Дулгерага қарши қоратта қиқиб, ўз устунлигини яна бир бор намоён этди, ҳисоб: 3:6, 6:3, 6:4.

Хертогенбос шаҳрида ўтаётган турнирнинг иккинчи финалчиси номига Андреа Петкович (Германия, 7) ҳамда Кирстен Флипкенс (Бельгия) матчида сўнг аниқлик киритилади.

### ҲОЗИРЧА ЯҚҚОЛ ЕТАКЧИ ЙУҚ

Руминиянинг Медиаш шаҳрида кечаётган шахмат бўйича машҳур турнирлардан бири — “Кироллар мусобақаси” (“Kings Tournament”) да бир йўла уч гроссмейстер пешқадамлик қияпти.

Улар: исроиллик Борис Гельфанд, руминиялик Ливиу-Дитер Нисипяну ва озарбойжонлик Темур Ражабов. Биринчилик баҳсида етакчилар 2 очкодан жамғаришга муваффақ бўлишди. Гельфанд қутилмаганда турнирнинг яққол фаворити дея тахмин қилинган норвегиялик таниқли шахматчи Магнус Карлсен билан дурангга имзо чекди. Нисипяну ҳам қучли рақиб — хитойлик Ван Юэ билан муроса кўчасини танлади. Фақатгина Темур Ражабов галаба қозонишининг уddасидан чиқди, у украиналик Руслан Пономаревни мот қилди.

Ақл баҳслари 25 июнга қадар давом этади.

### КОНГРЕСС МАНЗИПИ — СОЧИ

Халқаро чанги спорти федерацияси (FII)нинг 58-конгресси Сочи шаҳрида ўтмоқда. Эслатиб ўтамиз, мазкур ташкилот бир йил мобайнида дунёнинг турли шаҳарларида тўрт маротаба шундай нуфузли йиғилишни ташкиллаштиради.

Федерация президенти Йозеф Фендтнинг эътирофича, ушбу конгресс Россия тарихида биринчи маротаба ўтказилаётган экан. Шу боис маҳаллий аҳолининг ҳам, ташкилотчиларнинг ҳам қизиқиши катта бўляпти. Мутасаддилар АҚШнинг Лейк-Плэсид ва Латвиянинг Рига шаҳарларини эмас, айнан Сочини танлашди.

Куни кеча ўз ишини бошлаган конгрессда 35та давлатдан ташриф буюрган жами 100 нафар аъзо иштирок этмоқда. Тадбир давомида FIIга янги президент сайланади.

### 7-РАУНДДА КИМ ГОЛИБ?

Миллий баскетбол ассоциациясида бош соврин учун кечаётган финал учрашувининг олтинчи раундидан кейин «Лос-Анжелес Лейкерс» ҳамда «Бостон Селтикс» жамоалари ўртасидаги умумий ҳисоб яна тенглашганди, дея ҳабар берди «Рейтер» ахборот агентлиги.

Ўз майдонида «Бостон Селтикс»ни қабул қилган лос-анжелесликлар ишончли галабани нишонлади, якуний ҳисоб — 89:67. Бу умумий ҳисобнинг 3:3 бўлганини билдирди. Шундай қилиб, МБАнинг 2009/10 мавсумидаги голибини аниқлаш еттинчи раундга қолдирди. Мазкур гоятда ҳаяжонли ва муросасиз учрашув 17 июнда яна Лос-Анжелес шаҳрида ўтказилди ва унда лос-анжелесликлар 83:79 ҳисобида зафар қучишди ҳамда 16-бор мамлакат чемпиони деган номга сазовор бўлди.

МБАнинг амалдаги чемпиони «Лейкерс» баскетболчилари 7-раундни жуда ҳам кўтаринки кайфиятда ўтказишди. Мусобақага старт берилиши билан ташаббусни ўз томонларига оғдиришга эришди ва ниҳоят галаба ҳам улар томонида бўлди.

Зухра ХАЛИЛОВА тайёрлади.

## “ЖАҲОН ФУТБОЛИ” АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида.

1. XIX жаҳон биринчилигининг гватемалалик бош ҳаками. 2. Дания терма жамоаси мураббийи. 3. Жорий йилда ўтказилаётган мундиал ўйинлари ҳакамларидан бири, ватандошимиз. 4. Голландия терма жамоаси ҳужумчиси. 5. Жаҳон чемпионати ўйинларида бир ўйинда бешта тўп киритган рекордчи футболчи. 6. Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА)нинг бош қотиби. 7. XVIII жаҳон биринчилигида мундиал ўйинларининг 2000-голини Англия терма жамоаси дарвозасига киритган швейцариялик тўпурар. 8. Япониялик

тўпурар, терма жамоа ҳужумчиси. 9. Жаҳон чемпионати биринчи бор ўтказилаётган китъа. 10. Япония терма жамоаси ҳимоячиси, “Нагойя” аъзоси. 11. XIX жаҳон биринчилиги мадҳияси “Африканинг юлдузли онлари” кўшиги ижрочиси, колумбиялик поп юлдузи. 12. ФИФА президенти. 13. “Бургутнинг супери” номи билан танилган Африка китъаси терма жамоасининг таниқли футболчиси. 14. Мундиалларнинг бош мукофоти “Жюль Римэ” кубогини уч бор қўлга киритиб, ўз мулкига айлангирган терма жамоа. 15. “Челси” аъзоси, Котд’Ивуар терма жамоаси юлдузи. 16. Мундиал ўйинларининг уч бор голиб бўлган терма жамоа.

17. XIX жаҳон чемпионати иштирокчиси бўлган Африка давлатларидан бири. 18. Футбол майдонининг ҳимоя қилинадиган қисми. 19. Чили терма жамоаси мураббийи. 20. Франция терма жамоаси таркибида энг кўп ўйин ўтказган ҳимоячи. 21. Голландия терма жамоасида ўйнаган машҳур тўпурар. 22. Париждаги футбол стадиони. 23. “Уэмбли” стадиони жойлашган пойтахт. 24. Чили терма жамоаси ҳужумчиси. 25. 1930 йилда ўтказилган биринчи жаҳон чемпионати тўпурари. 26. Футбол ўйини ватани. 27. Мундиал ўйинларидаги иштирокида қаторасига уч бор энг кўп тўпурар муаллифига сазовор бўлган бразилиялик юл-

дуз. 28. Ўйиндан ташқари ҳолат. 29. Футбол майдонининг ўйин бошланадиган қисми.

### МУАММОНОМА

Аввало қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. “Футбол — қувончим, дардим, фаҳрим” асари муаллифи, таниқли шарҳловчи, журналист — 6, 18, 1, 5, 11, 9, 14, 5, 14, 18, 17, 13, 6, 24, 23.

2. “Бавария” юлдузи, Германия терма жамоаси аъзоси — 21, 23, 6, 8, 2, 21, 4, 6, 8, 12, 24, 11.

3. Жаҳон чемпионати ўйинларида ўн учта тўп киритиб, рекорд муаллифи бўлган француз футболчиси — 15, 5, 2, 4, 22, 2.

4. Футбол ўйини марши муаллифи, бастакор — 1, 7, 6, 2, 4, 24, 11.


5. Ўзбекистонда илк футбол жамоаси тузилган шаҳар — 20, 17, 20, 5, 2.

6. Футбол ўйинини бошқарувчи — 16, 6, 19, 6, 14.

7. Тенг натижа билан яқунланган ўйин — 10, 3, 11, 6, 2, 12.

Энди калит сўзлари жавоблари асосида шаклнинг ички қисмиларидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан йўналишлар бўйича ўқиш билан миллионлар ўйини ҳақидаги нақл ва унинг муаллифини билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ



### Муҳтарам ХУСНУТДИНОВА

Сурия Сайфутдиновна!

Биз Сизни жонкуяр ва билимдон эиё таркатувчи сифатида ҳурмат қиламиз ҳамда ўз касбининг фидойисини бўлган устоз деб ардоқлаймиз. Сиз Юнусобод туманидаги 9-мактабда кутубхоначи, ТХТБда кутубхона ишлари бўйича методист бўлиб, баркамол авлодга маърифат, китоб эиёсини улашиб келмоқдасиз.

Сизни муборак 50 ёшингиз билан кутлаймиз. Фарзандингиз бахти ва камолини, роҳатини кўриб юриш бахти Сизга насиб этсин. Умрингизнинг ҳар бир куни қувончу шодликларга тўлиқ бўлсин.

Юнусобод туманидаги Ахборот-ресурс маркази ходимлари ва кутубхоначилар

## ЧЕЧАКЛАР ҲАМ ШУКРОНА АЙТАР



Азиз муштарий! Қани айтинг-чи, қандай юртда ҳамиша гўдаклар кулгуси янграйди? Қандай юртда кўнгилларга кўшиқ сигади? Қандай юртда бир-биридан гўзал гуллар, чечаклар юз очади? Қандай юртда булбулу кумриларнинг сайроғи эшитилади?



Инсон доимо мўъжиза юз беришини кутиб яшайди. Орзуга айб йўқ. Орзусиз инсонни қанотсиз кушга қиёслашади. Орзулар инсон умрини безовчи, уни яшашга ундовчи кучга эгадир. Қачонки, қалбимизда орзулар яшар экан, демак, биз мавжудмиз. Лекин бориға шукр қилмасдан, куруқ ҳою-ҳавасларга берилавериш ҳам ақлли одамнинг иши эмас.

Назаримда, бахтиёрлик ичида яшаётган инсон ҳамма вақт ҳам унинг қадрига етавермас экан. Нега бундай хулосага келганимга ҳайрон эшитинг: сизнинг мучангиз соғ. Кўзла-қулоқларингиз билан **Туғ'у** бўлаётгандирсиз. Унда кўл-оёғингиз бутун, тўрт рингиз билан кўриб, эшита оласиз. Лекин ҳаммада ҳам шундайми? Ҳамма ҳам ўз оёқлари билан юриб, кўзлари билан кўра олиш бахтига муяссарми? Афсуски, ундай эмас. Шундай экан, мана шунинг ўзиёқ мўъжиза дейишга арзигулик эмасми? Бугунгидек, турли урушлар, ўт-оловлар ичида хориган дунёда юртимизда ҳукм сураётган тинчликнинг ўзи шукр қилишга арзимайдимми?

Гоҳида ёнгинангизда лов-лов ёниб турган атиргулларнинг бир-бири билан нима ҳақида суҳбатлашаётганларига қизиқиб кўрганмисиз? Кези келса, ота-она, қариндош-уруғ, дўст-биродарлар билан дардлашишга имкон топилмайди, гуллар билан суҳбатлашишга кимнинг ортиқча вақти бор, дейсизми? Ҳамма гап мана шунда-да! Биз техника тараққиёти бўлмиш замонавий кўл телефонлари, компьютер ва автомобилларнинг чиройига шу қадар маҳлиё бўлиб қолдикки, кўнглимиз билан унчалик ишимиз бўлмай қолди. Телефондаги суҳбатларга соатлаб вақтимизни сарфлаймиз-у, аммо гулларнинг изҳорини тинглашга вақтимиз йўқ!

Азизлар! Ҳали ҳам кеч эмас. Бирров вақт топиб, ён-атрофингизда ўсаётган чечакларнинг суҳбатларига қулоқ солиб кўринг. Ана шунда уларнинг нималар деяётганидан бохабар бўлибгина қолмай, ўзингизнинг қандай буюк бахт оғушида яшаётганингизга ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Назира БОЙМУРОДОВА  
Муаллиф олган суратлар.



### Ma'rifat

#### ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими  
вазирлиги, Ўзбекистон Олий  
ва о'рта махсус та'лим  
вазирлиги, Ўзбекистон  
Та'лим ва фан ходимлари  
касба uyushmasi  
Markaziy Kengashi.

#### Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-  
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,  
Xurshid DO'STMUHAMEDOV,  
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV  
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,  
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV  
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan  
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari),  
"Учитель Узбекистана"), Aleksey  
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-  
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

#### Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.  
Tirajl 40189.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Oybuvi OCHILOVA,

Navbatchi:  
Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan  
materiallar muallifga qaytarilmaydi.  
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz  
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumd o'rta  
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,  
oliy va o'rta maхsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi  
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti  
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan  
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,  
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,  
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda  
erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksionerlik kompaniyasi  
bosmaxonasi.

Korxonа manzili: «Buyuk Turon»  
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish  
vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 02.40  
Y3A yukumi — 23.00